

«ОРИҚЧА МЕҲНАТИ
БОР, ҚЎШИМЧА
РАҒБАТИ ЙЎҚ»



ОИЛАНИ ЯРАШТИРИШ
ОҒИРЛАШИБ
БОРЯПТИ



«АҲОЛИ КЎП,
ХУДУД КАТТА,
АММО БИНО ЙЎҚ»



«РЕЖАЛАР
БЕЛГИЛАНГАН, АММО
ИЖРОДАН ДАРАК ЙЎҚ»



«АҲОЛИГА КЎМАК БЕРИБ,
КЎМАККА МУҲТОЖ
ҚОЛЯПМИЗ...»



«МАЖЛИСЛАРГА ҚАТНАШИБ,
ИШГА УЛГУРМАЯПМИЗ»

2

«ТАРБИЯДАГИ ХАТОНИНГ
«ҲОСИЛИ»НИ ЙИҒЯПМИЗ...»

5

MaHalla

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

#34 (2120) | ШАНБА, 26 АВГУСТ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ



МАҲАЛЛАДАГИ «БЕШЛИК»: НОМЗОДЛАРНИ НЕГА РАИС КЎРСАТМАЙДИ?

3

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ
ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ, ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ
БЎЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ»
ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!

ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ
ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ:

«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ — 600 000 СЎМ;

«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ — 400 000 СЎМ.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07

«Камбағалликни қисқартириш бўйича Хитой тажрибаси»

2023 йил 21-25 август кунлари юртимиздаги ҳоким ёрдамчилари учун «Камбағалликни қисқартириш бўйича Хитой тажрибаси» мавзусига бағишланган онлайн семинар бўлиб ўтди. Тадбир Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси, Хитойдаги камбағалликни қисқартириш халқаро маркази ва БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ташкил этилди.



Хитой Халқ Республикаси дунё мамлакатлари ўртасида камбағалликни қисқартириш соҳасида етакчи мамлакат ҳисобланиб, Ҳукумат томонидан амалга оширилган ишлар камбағаллик устидан ғалаба қозонишга олиб келган. Бугунги кунда Хитойдаги камбағаллик даражаси 0,5-1 фоизни ташкил этади. Ҳолбуки, ўшбу кўрсаткич 20-асрнинг 70-80-йилларида 70 фоиздан юқори бўлган. Бу эса мамлакатда камбағалликка қарши курашиш бўйича жорий этилган манзилли ишларнинг юқори самарадорлигини билдиради ва жаҳон ҳамжамияти учун бебаҳо тажриба сифатида эътироф этилади.

Аввалроқ Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Хитойдаги камбағалликни қисқартириш халқаро маркази ўртасидаги англашув меморандуми имзоланган эди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш бўйича делегацияси Хитойга ташриф буюриб, қатор келишувларга эришганди. Шу асосда июнь ойида 20 нафар ҳоким

ёрдамчиси икки ҳафта давомида Хитойда бўлиб, мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида олиб борилган тажрибалар билан танишди. Йил якунига қадар жами 200 нафар ҳоким ёрдамчисини Хитойга тажриба ошириш учун юбориш режалаштирилган.

— Мазкур онлайн семинаримиз мамлакатимизда ташкил этилган энг катта онлайн форматдаги тадбир бўлди, десак адашмаймиз, — дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи Сардор Раҳмонов.

— Боиси мазкур анжуман республикадаги барча маҳаллаларни бирдек қамраб олди. Унда ҳоким ёрдамчилари Хитойнинг ўзига хос тажрибаси билан танишиш баробарида ўз дастурларини ҳам ишлаб чиқишди. Эндilikда ҳоким ёрдамчилари бу ерда ўрганган билимлари асосида маҳалласидаги камбағал оилалар билан алоҳида иш олиб боради. Уларга бу ҳолатдан чиқиш йўллари ўргатиш, керакли моддий ёрдамни бериш ва камбағалликдан чиқариш билан

бирга, қайта бу ҳолатга тушиб қолмаслиги чораларини ҳам кўриб боради. Умуман олганда, семинар ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, десак адашмаймиз.

Семинарнинг мақсади — иштирокчиларга Хитойнинг камбағалликни қисқартириш соҳасида амалга оширган чора-тадбирлари, аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўлланилган манзилли инструментлари ва камбағал аҳоли қатламлари билан индивидуал тарзда ишлаш механизмлари каби тажрибасини ўргатиш ҳисобланади. Бу орқали ҳудудлардаги барча ҳоким ёрдамчиларида камбағалликни қисқартириш тушунчаси ва унга қарши курашиш бўйича халқаро тажриба каби кўникмалар шакллантирилади.

Жумладан, ҳоким ёрдамчилари камбағал оилалар билан ишлаш, уларнинг хоҳиш ва истакларини аниқлаш, уларнинг аниқ истакларидан келиб чиқиб касб-хунарга ўқитиш учун йўналтириш ва натижада тадбиркорликка жалб этиш йўллари ўрганди. Шунингдек,

Хитойнинг маҳалла даражасида кичик саноат ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги ишлаб чиқариш линиялари ҳамда ёрдам турларини диверсификация қилиш каби йўналишларни ўзлаштирди.

Натижада ҳоким ёрдамчилари ҳар бир камбағал оилага индивидуал ёндашиши, янги инновацион механизмларни қўллаши ва оилаларни камбағалликдан чиқишига қўшимча дастак бўлиши кўзда тутилмоқда.

— Икки ой олдин Хитойга бориб, бу мамлакат тажрибаси билан шахсан танишганман, — дейди Пахтакор туманидаги «Дўстлик» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Озода Отажоновна. — Хитойда камбағалликни қисқартиришнинг муайян шакли яратилган экан. Жумладан, камбағал оила бўлган ҳар бир аҳоли яшаш манзилида давлат тизимининг ваколатли вакили бўлиб, у хонадонлар муаммосини аниқлаб, ҳукумат олдига қўяди. Унинг тавсиясига кўра, ҳар бир камбағал оилани

қўллаб-қувватлашнинг ўзигагина хос дастури тузилади. Бунда одамларни камбағалликдан чиқариш учун узоқ муддатга ижарада фойдаланиш учун ер берилади. Имтиёзли кредит ажратилиб, зарур бўлса, қасбга ўргатилади, ишлаб чиқариш ёки деҳқончилик воситалари билан таъминланади. Энг муҳими, уй-жой учун ер ажратилади, қурилишга қисман субсидия ва имтиёзли кредит берилади. Янги қишлоқ инфратузилмаси давлат томонидан яратилади. Онлайн семинарда бу ҳақда яна қўшимча маълумотлар берилди. Энди ўрганганларимизни фаолиятимизда татбиқ этамиз.

Семинар якунлари бўйича иштирокчилар тест синовларидан ўтказилди. Бу жараён Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан онлайн форматда ташкиллаштирилди.

ТАКЛИФ

«Мажлисларга қатнашиб, ишга улгурмаяппмиз»

Маҳаллалар имкониятларини инobatга олган ҳолда аҳолининг даромад топишига хизмат қилувчи лойиҳаларни шакллантириш ва амалга оширишда «маҳаллабай» ишлаш тизими муҳим ҳисобланди. Ҳудудимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига камбағалликни қисқартиришга катта эътибор қаратяпмиз. Бунда муаммоларни тизимли ўрганиш ва ўз вақтида, тўлиғича ҳал этишга эришяпмиз.

Умиджон ТИЛЯГОВ, Зомин туманидаги «Беруний» маҳалласи раиси.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ УЧУН АРИЗА ҚАБУЛ ОЧИЛДИ!

Маҳалламизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ҳудуд иқтисодий-ижтимоий комплексининг малакали ходимларидан иборат мутахассислари уйма-уй ўрганиш олиб борапти. Мазкур мутахассислар маҳаллага бириктирилган соҳалар ходимлари билан бирга, лойиҳалар шакллантириб, уни амалга оширишга кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, «бешлик» билан ҳамкорликда ўтказилаётган хатловда ҳам муаммолар индивидуал ҳал бўлмоқда. Жами 2 872 нафар аҳоли яшайдиган маҳалламизда жорий йилнинг 21 августидан навбатдаги хатловни якунладик. Унда жами эҳтиёжмандлар 243 нафар экани аниқланди.

Уларнинг орасида 103 нафар аёллар «Аёллар дафтари»га киритилди. Ишсизлар 73 нафарни ташкил этди. Эътиборлиси, хатлов якунигача уларнинг 50 нафари ўзини ўзи банд қилди. Бунинг учун ҳоким ёрдамчиси

билан биргаликда уларга кредит ва субсидиялар олишга тавсия берилди. Ёшларнинг 15 нафари касб-хунарга ўрганиши учун моно-марказларга жойланди. 6 нафари «устоз-шогирд» анъанасига кўра, шогирд тушишди. 3 нафар ногирон аёлларимиз ҳам ишга жойланди. Бир талабгор тадбиркор ҳовлисида сунъий ҳавза ташкил этиб, балиқчилик хўжалигига асос солди. 80 нафар аёлга «Аёллар жамғармаси» маблағлари ҳисобидан бир марталик ёрдам берилди. Аҳоли ташаббуси ва ҳомийлар кўмагида кўчаларимизга 70 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Эскирган 5 та симёғочни янгиландик.

Бизда энг катта муаммо — ички йўлларимиз жуда таъмирталаб. Шунинг учун «Ташаббусли бюджет» танловида мана шу лойиҳамиз билан қатнашиб, ғолиб чиқмоқчимиз. Инфратузилма билан боғлиқ бошқа катта масалалар кузатилмайди. Ичимлик сувдан муаммо йўқ. Яқинда 2 та

сув минорамиз янгиланди.

Барча маҳаллаларда ишсизлик оғриқли нуқта ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлаш олдимиздаги муҳим вазифа бўлиб, айни шунинг учун «бешлик» фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, хатловда аниқланган ишсизларга кредит ва субсидиялар ажратиш орқали уларни бандлигини таъминлаш белгиланган. Афсуски, бугун туманимизда ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида ажратиладиган кредит лимитлари «ёпиб» қўйилган. Ўзини ўзи банд қиламан, тадбиркор бўлман, деган талабгор кўп, аммо уларга зарур кредит ажратилмаяпти.

Яна бир тақлифим — керак, кераксиз йиғилишларни ҳам камайитириш лозим. Фаолиятимизга тааллуқли бўлмаган мажлисларда қатнашишга мажбурлик ортидан ишларимиз қолиб кетяпти. Туман даражасида маҳалла раисларига алоқаси бўлмаган мажлисларда ҳам қатнашишга мажбур бўляпмиз.

ТАКЛИФ



Маҳалладаги «бешлик»: номзодларни нега раис кўрсатмайди?

Маҳалла одамлар ишонадиган, суянадиган тузилмага айланиб борапти. Аҳолининг ютуқлари, муаммо ва ташвишлари айнан шу ерда ҳал бўляпти. Мен биринчи навбатда фуқаролар мурожаатини тез ҳал этишга, муаммоларини эшитишга ҳаракат қиялман. Худудимизда 767 та хонадон бўлиб, 1 185 та оилаларда 3 458 нафар фуқаро истиқомат қилади. Асосий даромад манбаимиз — деҳқончилик. Қолаверса, 30 фоизга яқин маҳалладошларимиз зиёлилар.

Авазбек УМРЗОҚОВ,
Бувайда туманидаги «Араб» маҳалласи раиси.

Айтиш керакки, хонадонлардаги асл вазият, оилалар аҳволини ўрганиб боришнинг янги шакли — хатловлар ижтимоий вазият барометрига айланди. Жорий йил июль ойидаги хатловда 28 та эҳтиёжманд оила аниқланган бўлса, уларнинг 1 таси уй-жойга муҳтож оила, 2 нафар фуқаронинг яшаш хонадони таъмирталаб экани белгилаб олинди. Бундан ташқари, 5 нафар якка-ёлғиз яшовчилар, 37 нафар бемор рўйхатга олинди. Уларга доимий назорат ўрнатилиб, дори-дармонлар бепул етказиб берилмоқда. 5 нафарига эса саломатлигини тиклаш учун санаторийларга йўлланма тақдим этилди. Этиборлиси, якка-ёлғиз яшовчиларнинг хонадонига ёшлар бириктирилиб, томорқа экинлари экиб берилди, баҳорги тозалаш ишлари бажарилди. Хомийлар ёрдамида уй-жой таъмирга муҳтож маҳалладошимиз уйининг томи ёпилиб, деворлари қум сувоқ қилиб берилди. Уй-жойга

муҳтож фуқарога 250 миллион сўм маблағ сарфлаб, 4 хонали уй қуриб берилди.

Янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш йўналишида аниқ натижаларимиз бор. Жумладан, маҳалламизда 70 та иш ўрнига мўлжалланган кабель ишлаб чиқарадиган янги корхона очилди. Қувонарлиси, бўш иш ўринларига ишга жойлашганларнинг 50 нафари маҳалламиздаги ишсиз фуқаролардир. Бундан ташқари, худудимизда 33 та тадбиркорлик субъекти бўлиб, ўтган йилга нисбатан 12 тага кўпайди. Янги тадбиркорлик субъектларида камиди 2 тадан иш ўрни яратилганда ҳам 24 нафар фуқаро ишли бўлди. Масалан, Абдумалик Солиев хонадонидида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, 4 нафар оила аъзоларининг бандлигини таъминлади.

Маҳаллада 21 та кўчамиз бўлса, жорий йил уларнинг 13 тасининг 12 км.лик масофаси асфальтланди. 8



та кўчамиз аввал асфальтланганди. Шу билан барча кўчаларимиз тўлиқ замонавий кўриниш касб этди. 2022 йилда 6,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан ичимлик сув тармоғи тортилди. Оқова сув муаммосини ҳал этиш учун 3 та артизиан кудуқ қазилиб, ер остидан сув чиқарилди. Ҳозир 90 та хонадон томорқаси учун шу сувдан фойдаланмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир хонадонда шу каби кичик артизиан кудуқлар қазилган. Улардан соатига 25 литр сув чиқади. Шу орқали хонадонлар томорқадан йилига икки маротабадан ҳосил олмақда.

Шу ўринда тизим ишини янада яхшилаш бўйича таклифларимни билдираман. Биринчи ғалда маҳалла раислари нуфузини оширадиган, «бешлик»ни амалда мувофиқлаштирадиган тизим яратиш керак. Масалан, «бешлик» ходимларини лавозимга тайинлашда номзодларни раислар кўрсатиши керак.

Раҳбар кадрлар захирасига нега раис киритилмаган?

Тумандаги намунали ва ибратли маҳаллалардан ҳисобланамиз. Худудимизда 4 100 нафар аҳоли истиқомат қилади. «Бешлик» билан ҳамкорликда ўтган йилги хатловда 400 нафарга яқин ишсиз аниқланган бўлса, жорий йил апрель ойидаги хатловда уларни тенг ярмига қисқартиришга эришдик. Бугун 200 нафарга яқин ишсиз фуқаролар бор.



Ёрқинжон ЙЎЛДОШЕВ, Шароф Рашидов туманидаги «Қораантоқ» маҳалласи раиси.

Албатта, бу мақтанарли кўрсаткич эмас, аммо йиллар қиёсида ижобий ўзгаришларни кўриш мумкин. Уларнинг аксариятини ҳоким ёрдамчиси кўмағида бандлиги таъминланмоқда. Масалан, фуқаролар имтиёзли кредит, субсидия орқали нафақат ўзини, балки маҳалладошлари ва оила аъзоларини ҳам ишли қилмоқда. Бундай ташаббускорларимиз кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, маҳалламиз худудидан катта канал оқиб ўтган, балиқчилик ҳўжаликлари ташкил этишга яхши имконият бор. Бугунгача 5 нафар маҳалладошимиз ҳоким ёрдамчиси тавсияси орқали кредит олиб, балиқчиликни йўлга қўйди. Этиборлиси, шу оилалардаги 3-4 нафардан ишсизлар ҳам даромадли иш билан таъминланди. Масалан, Мансур Тожибоев ўтган йили кредит олиб, 1 йил давомида 45 миллион сўм соф даромад олди.

Бундан ташқари, маҳалламизда аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. 2022 йил январь ойида мавжуд эски типдаги шифохона қайта таъмирланиб, ёнида тез тиббий ёрдам филиали иш бошлади. Бу билан одамларимиз сифатли тиббий хизмат олиш имконига эга бўлишди. Ҳатто дори-дармонлар ҳам бепул берилмоқда. Қўшимчасига «Ташаббусли бюджет»да маҳалламиз худудидидаги 30-умумтаълим мактаби таъмирланди. 35- умумтаълим мактабига 120 ўринли янги бино қурилди. 5 км.лик газ тармоғи тортилмоқда. «Менинг йўлим» лойиҳасида кўчаларимизнинг 1 км. қисмини асфальтлашга эришдик.

Узоқ йиллардан бери маҳалламизни «Умар», «Ровот», «Ардошхон» ва «Тинчлик» маҳаллалари билан боғловчи кўприк таъмирталаб бўлиб ётганди. Шу кўприкни янгилаш бўйича оқсоқоллар таклифини вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи қўллаб-қувватлади. Вилоят йўл қурилиш бошқармасига муаммо юзасидан йўллаган мурожаатимиз асосида керакли маблағ ажратилиб, ҳозирда якуний ишлар олиб бориляпти.

Қолаверса, 25 та хонадонда иссиқхона ташкил этилиб, бу соҳа ҳам янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, асосий «драйвер»имиз — чорвачилик тез су-ратларда ўсмоқда. Айниқса, майда туёкли ҳайвонлардан яхши даромад топиляпти. Бу билан озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланмоқда. Яқинда кўпчиликнинг таклифига кўра, телеграм гуруҳимизни очдик. Бу гуруҳ ҳар бир оилани, керак бўлса, маҳалла ходимларини ҳам ўзаро тийиб туришга омил бўлмоқда. Яъни жамғартичилик назоратининг онлайн кўриниши, дейиш мумкин. Урни келса, аҳоли мени, ходимларни иш жараёнидаги камчиликларимизни ҳам ёзиб боради.

Сўзим якунида маҳалла раислари ваколатини янада кенгайтириш таклифини бермоқчиман. Шундагина уларнинг эл орасида обрўси ошади. Бундан ташқари, яхши натижа кўрсатган «бешлик»даги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси раҳбар кадрлар захирасига киритилади. Шунга асосан, юқори лавозимларга тайинланмоқда. Лекин негадир шу «бешлик»ни мувофиқлаштирувчи раислар орасидан энг яхшилар бу рўйхатга олинмайди. Таклифим — яхши натижага эришаётган маҳалла раислари ҳам раҳбар кадрлар захирасига олиниши керак.

БИЛАСИЗМИ?

Ортиқча ҳужжат талаб қилганлик учун жавобгарлик бор

«Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра аҳолидан қуйидаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинган:

- шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини;
- шахснинг белгиланган шаклдаги фотосуратини;
- жисмоний шахс томонидан ўрта махсус, профессионал (касб-ҳунар) таълим муассасаси ёки умумий ўрта таълим муассасаси (11-синф негизидида) тугатилганлигини тасдиқловчи маълумотларни (ҳужжатларни);
- кам таъминланган оила ёки оила аъзоси сифатида рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотларни (ҳужжатларни);
- солиқ тўловчи жисмоний

шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи маълумотларни (СТИР);

— олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзга эга бўлган абитуриентларнинг имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумотларни.

Шунингдек, ушбу ҳужжат ва маълумотларнинг талаб қилиниши давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш деб ҳисобланиб, уларни талаб этган давлат идоралари жавобгарликка тортилади.

ФИКР

«Айтилган гап шунчаки ерда қолиб кетмаяпти»



Асл касбим — ҳуқуқшунос. Узоқ йиллар мобайнида ички ишлар, адлия бошқармалари, ҳокимлик органларида хотин-қизлар масалалари бўйича ишлаб келдим. Фарғона ҳуқуқшунослик коллежида педагог сифатида дарс бера бошлаганимга кўп йиллар бўлган. Маҳалламиз аҳолисининг талаби билан ўтган йили раис этиб сайландим.

Маҳалламизда 3 200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар ҳудудига яқин бўлганимиз учун уларнинг кўпчилиги давлат ташилотларида ишлайди, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларида банд. Ўзбек, қирғиз, тожик, татар, хитой миллатларини бирлаштирган йиғинимизда эзгу ташаббуслар, бунёдкорлик ишлари, одамларни бир мақсад сари йўналтирган лойиҳаларимиз кўп.

Мисол учун, «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида маҳалламиз ўзига хос тажрибага эга. Ўтган йили 3 500 та овоз йиғиб, туманда биринчи бўлгандик. Шу орқали Саховат кўчасининг 2,5 км. қисми асфальт қилинди, атрофига ариқлар жойлаштирилди. 2023 йилда ҳам лойиҳанинг биринчи босқичида 6 500 та овоз билан туманда яна биринчи бўлдик. Бу ютуғимиз эвазига Ўзбеким ва Янги маҳалла кўчаларининг 3 км. 615 метр қисми асфальтланди. Шунингдек, 150 та симёғоч ўрнатилди. Эндilikда лойиҳанинг 2-мавсумига мактабимизни қайта жиҳозлаш учун 1,3 миллиард сўмлик тақлиф киритганмиз.

Кўпчилик маҳаллалардан келиб, биздан лойиҳада қолиб бўлиш сирини сўрашади. Бунинг сири оддий: одамларни ишонтириш керак, ҳаракатга келтириш учун мотивация бериш лозим, шунда улар ўзларига шароит яратиш учун ўзлари курашади. Ўтган йилги ютуғимиз

лойиҳага ишончимизни оширди. Одамлар айтилган гаплар шунчаки ерда қолиб кетмаётганига гувоҳ бўлишди. Шунинг учун ҳар бир маҳалладошимиз лойиҳани ўзиники деб, муаммолар ечими сифатида кўриб, қолиб бўлишга интилди.

Яна бир гап: йиғинимизга «Туризм маҳалласи» мақомини олишга ҳаракат қилипмиз. Бунинг зарур инфратузилма тайёрланаяпти. Мисол учун, ҳозирда маҳалламизда 30 та уй-меҳмонхоналар мавжуд. Туризм манзилгоҳлари бор, дам олиш жойлари, табиат манзаралари одамларни жалб қила олади. Уйлайманки, қисқа фурсатларда бунга эришамиз.

Албатта, ҳали қилинадиган ишлар ҳам кўп. Аввало, маҳалла учун бино барпо қилиш керак. Идоранинг жойи йўқ. Кўп йиллардан бери эшикма-эшик кўчиб юради. Ҳатто бекат жойлашган хонада ишлаган. Кейин бир тадбиркорнинг иншоотидан хона ажратилган. Ҳозирда ҳам тадбиркорнинг иккита бўш хонасида фаолият юртияпмиз. Давлат-хусусий шериклик асосида камида 6-7 хонали замонавий бино қурадиган тадбиркорларимиз бор. Маҳалладошларимиз ҳам қараб турмоқчи эмас, хашар йўли билан қўллаб-қувватлашга тайёр. Фақат биргина муаммо — ер масаласи охирига етмаяпти. Ҳокимликдан, кадастрдан келиб кетишяпти, қайси жойни кўрсатсак, «у ер электр линияси таги — хавфли зона, бу ер

Дилобар ИСМАТОВА,
Фарғона туманидаги
«Мозортаги» маҳалласи раиси.

аҳоли уйига жуда яқин» дея аниқ хулоса беришмаяпти. Бироқ қисқа фурсатларда масалани ечишга ваъда беришган.

Бундан ташқари, бизга ёшлар маркази, тил ўргатиш, олий таълимга тайёрлаш бўйича ўқув курслар, маҳалла гузари, нуронийлар чойхонаси керак. Одамларимиз шунга муҳтож. Агар маҳалла биносини каттароқ майдонда қурадиган бўлсак, уларнинг аксариятини айнан у ерга жойлаштириш мумкин.

Яна бир орзуим — маҳалламиз кинотеатрини тиклаш. Ёшлигимизда катта — 200 ўринли кинотеатр фаолият юритарди. Аммо у йиллар давомида ҳароб аҳволга келиб қолган. Ҳозир эса бу соҳага яна қайта эътибор қаратилмоқда. Демак, кинотеатрларни тиклаш учун ҳаракат қилса бўлади. Майли, аввалгидек, 200 ўринли эмасдир, аммо 50-30 ўринли кичик 3D кинотеатрлар қурилса, томошабинни жалб қила олади.

Юқоридагиларни қисқа вақт ичида амалга ошириш лозим. Албатта, бир қараганда бу вазифалар мураккабдек туюлади. Аммо «қаловини топсанг, қор ҳам ёнади», деган гап бор. Менимча, асосий таянчимиз тадбиркорлар бўлади. Улар ёрдамида, ўзаро манфаатли лойиҳалар асосида ўйлаган барча ниятларимизга етамиз. Янги-янги иш ўринлари ташкил қиламиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Дилшодбек СОТВОЛДИЕВ,
Марҳамат туманидаги «Шомат» маҳалласи раиси:

— Маҳаллада ногиронлиги бўлган фарзандни вояга етказётган ота-оналар бор. Уларга нафақа ва моддий ёрдамлар ўз вақтида бериб келинмоқда. Бунга қўшимча равишда бундай тоифадаги болаларни тарбиялаётган ота-оналарга давлат томонидан қатор имтиёзлар белгилангани ҳақида эшитдим. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Ногирон болани тарбиялаганга солиқдан имтиёз бор



Ёқутхон ЮСУПОВА,

Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Дарҳақиқат, шундай. Қонунчиликда ногирон боласи бор ота-оналарга қатор имтиёзлар бериш назарда тутилган. Амалдаги Меҳнат кодексининг 230-моддасига кўра, ногиронлиги бўлган боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига бола 16 ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.

232-моддага асосан, 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. Шунингдек, улар хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилга чиқиши мумкин.

«Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, 16 ёшгача бўлган ногирон болани тарбиялаётган ота-оналардан бирига ногирон боланинг санаторийда даволанган барча даври учун (санаторийга бориб-келиш вақтини ҳисобга олиб) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилади. Агар она касал бўлиб, болани парваришлашга қурби етмай қолган ҳолларда, парвариш билан банд бўлган ишлайётган бошқа оила аъзолари ёки қариндошларига (меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан) нафақа берилади.

«Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонида кўра, парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган вояга етмаган болаларнинг (ўзгалар парваришига муҳтож болалар) парвариши билан банд бўлган қонуний вақлига ҳар ойда 500 000 сўм миқдорида нафақа тўлови (парвариш нафақаси) жорий этилган.

Солиқ кодексига кўра, болалигидан ногирон фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота ёки онага солиқ имтиёзи берилади. Бу имтиёзни пенсия гувоҳномаси ёки доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси асосида олиш мумкин.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзандларнинг оналари уларни саккиз ёшгача тарбиялаган бўлса — иш стажы камида 20 йил бўлган тақдирда, умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади.

ҲУҚУҚ

Жаримани вақтлроқ тўлаганга чегирма берилади

2023 йил 18 апрелда Президент қонундан имзоланган тегишли қонунга кўра, маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилиши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш киритилди. Қонун 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирди.

Эндиликда кодекснинг 332-1-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, ҳуқуқбузар унга жарима

солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини ёки 30 кун ичида 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисmini тўлашдан озод қилинади.

Унутмаслик керакки, жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби айрим ҳолларда қўлланилмайди. Мисол учун, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш

(131-модда), мастликни аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши (136-модда) ҳолатлари содир этилганда, имтиёз берилмайди. Қолаверса, жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилганда, соддалаштирилган тартиб амал қилмайди.

МАНЗАРА

«Тарбиядаги хатонинг «ҳосили»ни йиғяппмиз...»



Абдулла
КОДИРОВ,
Тўрткўл
туманидаги
«Шўрахон»
махалласи
раиси.

Ўтган йили маҳаллага раис этиб сайланганман. Халққа тақдим этган дастуриим, аслида, узок йиллик кузатишлар натижаси, дейиш мумкин. Чунки 59 йилдан буён шу маҳаллада истиқомат қиламан. Фаолиятимнинг 34 йилини таълим соҳасида олиб бордим. Ота-оналар, ўқувчилар билан ишлашни ўргандим, халқ дардини яқиндан ҳис қилдим. Энди бу ишончни оқлашга, бор билим ва тажрибамни «бешлик» вакиллари билан биргаликда маҳалламиз, юртимиз равнақи учун сарфлашга ҳаракат қиляпман.

Маҳалламизда 21 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиларди. Кўриб турганингиздек, жуда катта ҳудуд, аҳоли сони ҳам кўп. Бу эса ўз навбатида иш самарадорлигига таъсир кўрсатар, барча аҳоли қатламини бирдек қамраб олишни қийинлаштирарди. Шу боис маҳалламиз учга — «Шўрахон», «Зиёкор» ва «Яш-нобод» йиғинларига бўлинди. Ҳозирда биргина бизнинг маҳаллада 7 840 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг асосий тирикчилиги — деҳқончилик, чорвачилик.

Режаларимиз улкан, маррани катта олганмиз. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни камбағалликдан олиб чиқиш, доимий иш билан таъминлаш йўлида «бешлик» билан биргаликда ҳаракат қиляпмиз. Шунингдек, маҳаллада ободонлаштириш ишларини янада яхшилаш, пиёдалар йўлакчаси барпо этиш, тунги ёриткичларни ўрнатиш каби ишлар амалга оширилди. Хусусан, шу вақтгача 4 километрлик пиёдалар йўлакчаси қурилди, 100 тага яқин тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Эҳтиёжманд 2 та оиланинг уйи тўлиқ қайта қуриб бериляпти, яна 10 та оилага уйининг том қисмини таъмирлаш учун қурилиш материаллари олиб берилди.

Маълумки, юқори натижаларга эришиш асосида қулай шароит ётади. Шу маънода, аввало, маҳалла фуқаролар йиғини биносини замонавий кўринишга келтириш зарур эди. Боиси, аввалги бино талабга жавоб бермасди. Шу маънода йил бошида янги бино қурилишига киришилди ва жорий йилнинг апрель ойида замонавий маҳалла идораси қад ростлади. Эски биномиз ўрнида эса тикувчилик цехи ташкил этдик.

Маҳалламиз 7 та бўлимдан иборат. Ҳар бирида кўчабошилар фаолияти йўлга қўйилган. Улар билан ҳамжиҳатликда муаммоларга ечим топпмиз. Мисол учун, яқин орада 14-15 км. ички тупроқ йўлларни шағаллаштириш, иккита бўлимга алоҳида трансформатор ўрнатиш, битта бўлимда яшовчи 240 та хонадонни тоза ичимлик сув билан таъминлаш режалаштирилган.

Тажрибаларимиз ҳақида сўз кетганда, ҳар бир бўлимга 3 нафардан кўчабекаси бириктирилган. Улар маҳалла ходимларига ҳудуд озодалиги, ободлиги, оилалар билан ишлаш, тўй-маросимларни камчиқим ўтказишга кўмаклашади. Шу билан бирга, кўчабекалари ёш қизларимизни катта ҳаётга тайёрлаш, уларнинг қизиқишларини ўрганиб бориш, янги

келин бўлиб тушганларга рўзғор одобларини ўргатишда ҳам фаол.

Бугун жамиятимизда оғриқли жиҳат — ажралишлар билан боғлиқ бўляпти, назаримда. Бизда ҳам жорий йилда битта оила ажрашиб кетди. Афсуски, оилани сақлаб қолишда амалга оширган ҳаракатларимиз самара бермади. Қанча тушунтирмайлик, шароит яратиб бермайлик, айрим ёшларимиз жуда қайсар, дангаса, ҳаётга енгил қарайдиган бўлиб кетишган. Менимча, бу аввалги йилларда тарбия масаласида бўшлиқларга йўл қўйганимизнинг оқибати бўлса керак. Энди шу камчиликларимизнинг «ҳосилини» йиғяппмиз.

Баъзан тушунмайман. Ажрашаётган ёшларга маҳалла раислари, ҳокимликдаги масъуллар, ФХДЁ раҳбарлари, ички ишлар ходимлари, имом-хатиблар, отинойилар, маҳалладаги обрўли инсонлар келиб насиҳатлар қилишади. «Болаларни етим қилманг», дея салкам ёлворамиз. Аммо шунча одам орага тушса ҳам бефойда. Айрим ёшларимиз эртани ўйламайдиган бўлиб кетишяпти. Буни тўхтатишнинг йўли фақат тарбияда, деб биламан. Ҳозир бу масалага жиддий киришганимизда ҳам натижани 10 йиллардан кейин кўришимиз мумкин.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Таълим кредити қай тартибда ажратилади?

Талабаларга таълим кредити ажратиш учун Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳузурида Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ташкил қилинган. Мазкур жамғарма орқали ажратилган кредитлар фоизи Марказий банк асосий ставкаси миқдорига белгиланади, бугунги кунда 14 фоиз.

Кредитлар кимларга ажратилади? Таълим кредити ўқиш муддати бир йил ва ундан кўп бўлган барча ОТМларда, техникум ва коллежларда кундузги, сиртки ва кечки таълим шаклида ўқиётганларга берилади. Бунда таълим ташкилотининг давлатники ёки хусусийлигининг аҳамияти йўқ, шунингдек, Ўзбекистондаги хорижий таълим муассасаларида ўқиётганларга ҳам таълим кредити ажратилади. «Супер контракт»ни тўлаш учун таълим кредити берилмайди.

Ариза қанча муддатда кўриб чиқилади? Ариза 5 иш куниди кўриб чиқилиб,

кредит ажратиш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Ариза рад этилганда унинг сабаби кўрсатилиши керак. Кредит бериш маъқулланганда, талаба ва банк ўртасида бир йиллик контрактни тўлаш ҳақида шартнома тузилади. Кейинги ўқув йили учун кредит олишда талаба ўша йил учун шартномани олиб келади ва қўшимча келишув тузилиб, кредит ажратилади.

Кредит фоизи қанча? Кредит Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдориди, яъни 14 фоиз миқдорда ажратилади. Барча хотин-қизлар учун эса кредит фоизлари жамғарманинг ўзи томонидан қопланади. Бу дегани хотин-қизларга кредит ФОИЗ-СИЗ ажратилади.

Кредит нақд кўринишда бериладими? Кредит талабанинг пластигига ёки нақд кўринишда ўзига берилмайди, кредит ОТМ шартномасида ёки ҳисоб варақаси/фактурасида кўрсатиб ўтилган ҳисобварағига

маблағ ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Кредит контракт миқдорини тўртга бўлиб ўтказилади. Масалан контракт 20 млн. бўлса, ҳар чоракда 5 млн. сўмдан ўтказилади. Контрактни ҳар ярим йилда ёки бирданига тўлаш керак бўлса, талабанинг ёзма аризасига асосан контракт 2 га бўлиб ёки бирданига тўланиши мумкин.

Кредит қачон қайтарилади? Кредитнинг асосий қарзи талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади. Фоиз тўловлари эса банк томонидан белгиланган муддатда тўланади. Бу нима дегани? Масалан, талаба 20 млн. сўм кредит олди ва у ўқишни 2026 йил 1 июлда тугатади. Талаба 20 млн. сўмни 2027 йил 1 февралдан бошлаб 7 йил давомида (2034 йилгача) тўлайди. 20 млн. сўмнинг устига қўйилган йиллик 14 фоизни эса банк белгиланган вақтдан бошлаб тўлайди.

ИМТИЁЗ

Хусниддин
БОЗОРОВ,
Деҳқонобод
туманидаги
«Оқиртма»
махалласи раиси:



— Маҳаллага ҳудуддаги тадбиркорлардан бири нақд пул шаклида ҳомийлик ёрдами бериб, йиғиндаги ночор оилаларга тарқатишимизни сўрагани. Биз бу хайрияни иккита қийналган оилага бермоқчимиз. Айтингчи, бу каби ҳолатларда ёрдам пулига даромад солиғи ҳисобланмайдами? Умуман, қайси даромадларга солиқ ҳисобланмайди?

Моддий ёрдам учун йиғин солиқ тўлайдими?



Даврон ҲОШИМОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Солиқ қўмитаси масъул ходими:

— Солиқ кодексининг 378-моддасида 21 та ҳолат бўйича солиқ солинмайдиган даромад турлари кўрсатилган. Жумладан, вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этгани муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача миқдорда, шунингдек, ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилгани учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар солиққа тортилмайди.

Қолаверса, вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллагани учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари, 36 ойдан кам муддатда ўз мулкида бўлган тураржойларни сотишдан олинадиган даромадлар, уй хўжалигида, шу жумладан, деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни сотишдан олинадиган даромадлар, пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиганларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари солиқдан озод этилади.

Шу билан бирга, фуқаролар ўзининг, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши учун ОТМга қиладиган тўловлари (мазкур имтиёз таълим кредитларига (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган даромадларига нисбатан ҳам қўлланилади), фарзандларига нодавлат мактабга ҳақ тўлаш ташкилотлари ва (ёки) мактаблар кўрсатадиган таълимга оид хизматлар учун ота-она томонидан ҳар бир фарзанд учун тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар, Халқ банкидаги ихтиёрий равишда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига солиқ ҳисобланмайди. Худди шундай, субсидия асосида қиймати 300 миллион сўмгача сотиб олинган уй-жойларга, йил давомида энг кўпи 15 миллион сўмгача йўналтирилган иш ҳақидан тўланган суммалар солиққа тортилмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан солиқ тўловчиларга бериладиган нафақалар, шунингдек, пул маблағлари тарзидаги ёрдамнинг бошқа турлари, бироқ солиқ даври мобайлида ўн беш миллион сўмдан ошмаган ҳолда, солиқдан озод этилади.



ТАКЛИФ



«Ортиқча меҳнати бор, қўшимча рағбати йўқ»

Раис бўлиб сайланганимдан буён маҳалла иккинчи уйимдек бўлиб қолган. Ходимлар билан биргаликда одамлар ҳолидан хабар олиб, муаммоларини ўрганиб, мурожаатларини ҳал қилишга кўмаклашамиз. Аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун эртаю кеч тер тўкамиз. Халқнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Йиғинда 745 та хонадонда жами 3 600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Одамларнинг кўпчилиги ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда фаолият юритади ва рўзгорини бутлайди. Йил бошида маҳаллада жами 58 нафар ишсиз аҳоли мавжуд эди. Ишсизларни иш билан таъминлаш мақсадида тумандаги Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда 20 нафар ишсиз фуқарони турли ташкилот ва корхоналарга доимий ва кунлик ҳақ тўланадиган ишларга жойлаштирдик. Бугунги кунга келиб, ҳудудда ишсизлар сони 38 нафарни ташкил этади. Уларни ҳам жорий йилнинг иккинчи ярмида ишли қиламиз.

Шуни алоҳида айтиш ке-

ракки, ўтган йили «Ташаббусли бюджет» дастурига йўлларимизни таъмирлаш бўйича лойиҳа киритган эдик. Ана шу лойиҳамиз билан ёлиб чиқиб, маҳалла ҳудудидаги носоз йўллар таъмирланди, 1,1 километр узунликдаги кўчаларимиз асфальтлаштирилди. Одамларнинг текис ва равон йўлларда ҳаракатланишига шароит яратилди.

Аҳоли билан бамаслаҳат «Ташаббусли бюджет»нинг иккинчи мавсумига ҳудуддаги носоз йўлларнинг яна 1,1 километрини асфальтлаштириш ва аҳоли учун 1 километр узунликда пиёдалар йўлакчаларини қуриш лойиҳаларини киритганмиз. Шунингдек, йиғинда яшилликни кўпайтириш мақсадида «Яшил макон»

Мақсудбек АТАЕВ,
Урганч шаҳридаги «Авесто» маҳалласи раиси.



умуммиллий дастури асосида иқлим шароитига мос бўлган дарахт кўчатлари экиляпти.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаганимиз учун бизнинг иш вақтимиз қонунчиликда белгиланган меъёрдан ошиб кетади. Айрим ҳолларда тонг саҳар соат 06.00 да ишга чиқиб, кеч соат 23.00 ларда келган вақтларимиз бўлади. Албатта, бу маҳалланинг ривожини учун фойдали. Бирок кўп ишлаганимиз учун қўшимча ойлик маошлари ёки бошқа имтиёзлар белгиланмаган.

Таклифим шуки, раисларга белгиланган иш вақтидан кўпроқ ишлагани учун ортиқча ишлаган вақтига қўшимча компенсация ёки қандайдир имтиёз берилса, иш самарадорлиги ошарди.

«Маҳаллага ким келиб, ким кетяпти, мутлақо беҳабармиз...»

Маҳаллада 581 та хонадонда жами 2 578 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ходимлар билан биргаликда уларнинг муаммоларини ўрганиб, мурожаатларига жавоб бериб келяпмиз. Аҳоли билан яқиндан ишлаш мақсадида йиғин телеграм канали очилган. Ҳудудда жами 18 нафар ишсиз фуқаро мавжуд. Уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга ошириляпти.



Икрам АЛЛАМОВ,
Урганч шаҳридаги «Ашқобод» маҳалласи раиси.

Маҳалламизда ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа ташкилотлар фаолият юритади. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ишсиз фуқароларнинг бир қисmini мана шу корхоналарга доимий ва вақтинчалик ишларга жойлаштирдик. Бугун улар оиласи даромадига ўз хиссаларини қўшмоқда. Қолган ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ҳам корхоналар билан шартнома тузганмиз. Жорий йилнинг иккинчи ярмида йиғиндаги барча ишсизларнинг бандлигини таъминлашни режа қилиб турибмиз.

Айтиш керакки, маҳалла ҳудуди аввалгига қараганда обод бўлиб борапти. Сабаби, ҳудуддан ўтган катта йўл ёқалаб 2 километр узунликда пиёдалар йўлаклари ётқизилди. Ички йўллар қоронғу бўлгани сабабли аҳоли тунда ҳаракатланишга қийналарди. Шу боис жорий йилда кўчалар тунги ёритиш чироқлари билан таъминланди.

Кам таъминланган, кўмакка муҳтож, номли дафтарлардаги фуқаролар ҳам доимий эътиборимизда. Уларга имтиёзли кредитлар эвазига тикув машиналари, турли пишириқ техникалари олиб бериляпти, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлганларнинг таклифлари қўллаб-қувватланиб, бизнесини бошлашига кўмаклашиляпти. Шунингдек, маҳаллада

яшовчи, олий ўқув юртларида ўқийдиган йигит-қизларнинг контракт пуллари тўлаб бериляпти. Умуман, аҳолига қандай ёрдам керак бўлса, қўлдан келгунча кўмак кўрсатиб келяпмиз.

Шаҳар ҳудуди бўлгани учун маҳалламизга келиб-кетувчилар сони кўп. Очиғи, айрим ҳолларда маҳалла ходимлари ҳудудга ким келиб, ким кетаётганидан беҳабар қоламиз. Боиси кўчиб келганлар гоҳ вақтинчалик рўйхатдан ўтади, гоҳида йўқ. Кўчиб кетаётганлар билан ҳам шу аҳвол. Уларни тартибга олиш, вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ваколати бизда эмас, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бу иш билан шуғулланади. Бу эса фаолиятимизда бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Таклифим шуки, маҳаллага ким келиб, ким кетаётганининг ҳисобини билиш учун Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими билан тизимли ҳамкорликни ўрнатиш керак. Ким рўйхатдан чиқарилди, ким рўйхатга кирди, умуман, шу каби маълумотларни алмашиш тартибини йўлга қўйиш керак. Алоҳида ҳолларда бир-икки марта ўзимиз бу ҳақда сўраб олишимиз мумкин, бироқ тизимли ҳаракат йўлга қўйилмаса, тартиб белгиланмаса, доим ҳам бунинг имкони бўлмайди.

БИЛАСИЗМИ?

Автобусда йўловчиларни кечаси ташиш мумкин

«Транспорт воситаларида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарори билан автобусларда ёловчиларни кечаси ташишга рухсат берилади.

Унга кўра, автобусларда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимини назорат қилиш қурилмалари бўлганда йўловчиларни тунда шаҳарлараро, вилоятлараро ва халқаро мунтазам йўналишларда ички ишлар органлари ҳамроҳлигисиз ташишга рухсат берилади.



Хусусан, 2024 йил 1 январдан:
— шаҳарлараро, вилоятлараро ва халқаро йўловчи ташувчи авто-транспортлар ҳайдовчиларининг иш вақти табеллар, йўл варақлари, чиптани ҳисобга олиш варақлари

тахозграф кўрсаткичига асосан ҳисобга олинади;
— меҳнат ва дам олиш режими-га риоя этилишини назорат қилувчи инспекторлар зарур қурилмалар билан таъминланади.

Қарорга биноан, мунтазам йўналишларда йўловчи ташиш қоидаларини бузганлик, меҳнат ва дам олиш режимига риоя этмаслик ҳолатлари юзасидан ҳайдовчиларга баённома тузиш ва маъмурий жавобгарликни белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Хотин-қизларни ишли қилганга имтиёз мавжуд

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги «Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган низомга асосан, тадбиркорлик субъектларининг «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастури доирасидаги ресурслар ҳисобидан йиллик 14 фоизлик ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши мумкин.



Бунда тадбиркорларга 225 миллион сўмдан ортиқ, бироқ 1 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда кредит берилади. Кредит суммасининг аниқ миқдори тадбиркор томонидан иш билан таъминланадиган ҳар бир хотин-қиз учун 33 миллион сўмгача миқдорга муносабат равишда белгиланади. Демак, мазкур кредит

иш билан таъминланган хотин-қизларни сонига қараб берилишини инобатга оладиган бўлсак, тадбиркор энг камида 7 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаши керак. 33 миллион сўмдан 7 нафар иш билан таъминланган хотин-қизлар учун максимал 231 миллион сўм кредит ажратилади. Агар 6 нафар аёллар иш билан таъ-

минланса, тадбиркорга кўпи билан 198 миллион сўм кредит ажратилади. Унда юқоридаги 225 миллион сўмдан ортиқ, бироқ 1 миллиард сўмдан кўп бўлмаган деган жойига тушмай қолади. Шунинг учун энг камида 7 нафар «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлаш мажбурияти билан иш бошлаш мумкин.

ТАКЛИФ

«Маҳалладан чиқиндилар олиб кетилмаяпти»



Одатда ҳар бир хонадон файзи, баракаси тозалик, озодаликка боғлиқ. Файзли, озода хонадонлар эса, маҳалла ободлиги, саришталигини таъминлайди. Биз ҳам 4 159 нафар аҳоли яшайдиган маҳаллаимиз ҳудудини озода ва тоза туришини хоҳлаймиз. Жами 15 та кўчаларни саришталигини таъминлаш учун ҳар бир хонадон аъзоси шахсий намуна кўрсатмоқда.

Аммо ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, хонадонлардан чиққан чиқиндилар кўчаларда туриб қолиши натижасида аҳоли орасида норозилик кўпайиб кетаяпти. Гап шундаки, туманимиздаги 60 та маҳаллага хизмат кўрсатувчи «Экотранс» корхонаси 2 ойдан бери чиқиндиларни олиб чиқиб кетмаяпти. Улар билан 2022 йилда шартнома тузилганди. Бу йил шартнома тузмаганмиз. Аммо бажармаган иши учун пул сўраб келишади. Аҳоли эса норози. Нима учун пул берамиз, дейди. Ростан

ҳам, улардан пул сўрашга уялади одам.

Бу ҳақда туман, вилоят ҳокимлигига мурожаат қилинган. Атига 5 та хизмат автомашинаси бор, холос. 60 та маҳаллага 5 та машина улгурмаслиги табиий. Кейинги йил яна 10 та автомашина сотиб оламиз, дейишмоқда. Аммо бу ҳам қуруқ гап. Чунки корхона қарздорлиги бор экан. Чиқиндилар узоқ вақт туриб қолиши натижасида бадбўй хид таратмоқда. Иссиқ кунда чидаб бўлмаяпти. «Экотранс» масъулларига телефон қилсак,

Шавкат МАДИРИМОВ,
Урганч туманидаги
«Адолат» маҳалласи раиси.

машинамиз йўқ, дейди.

Мана шу муаммони ички имкониятлар ҳисобига ҳал этиш учун таклифим бор. Яъни маҳаллий тадбиркоримиз ташаббус кўрсатиб, чиқинди ташийдиган автомашина сотиб олмақчи. Шу билан бирга, хизмат кўрсатувчи ходимларни ҳам ишга қабул қилиб, камида 3 та маҳалла чиқиндиларини олиб чиқишни йўлга қўймоқчи. Агар мана шу таклифимиз ижобий ечим топса, бир неча йиллик муаммо ҳал бўлади.

ТАХРИРИЯТДАН:

Мазкур вазиятда маҳалла билан хизмат кўрсатувчи ташкилот ўртасида шартнома тузилмаган бўлса ҳам, пул талаб қилиш тўғрисида? Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бош мутахассиси Мурод Нурматов фикрича, «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида фуқароларнинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Оммавий шартнома маҳалла ва санитар хизмат кўрсатувчи корхона билан тузилади, шартнома шартларида амалга ошириладиган хизматлар кўрсатиб ўтилади.

Агар ушбу маҳаллага шартнома бор ҳолда хизмат кўрсатилмаётган бўлса, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика марказига ва ҳудудий филиалларига мурожаат қилиш мумкин. Шартнома тузилмаган вазиятда эса, аҳолидан пул талаб қилиш нотўғри.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сон қарори билан тасдиқланган «Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш тартиби тўғрисида»ги низом билан тартибга солинади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Суюнкул ТОШПЎЛАТОВ,
Нуробод туманидаги «Кўрғонча» маҳалласи раиси.

— Маҳаллаимизда пенсияга чиқиш тўғрисида кўп мурожаатлар бўлади. Масалан, аксарият фуқаролар меҳнат стажим кўп бўлса-да, пенсия пули кам чиқаяпти, деган эътирозлар билан келади. Мана шу каби саволларга аниқ жавоб беришда биров мушкул ҳолатга тушамиз. Имкони бўлса, пенсиялар қандай ҳисобланиши бўйича тушунча берсангиз.

Пенсия қандай ҳисобланади?



Бахриддин ЗИЯТОВ,
Пенсия жамғармаси матбуот котиби:

— Қонунчиликка мувофиқ, эркаклар — 60 ёшга тўлганда, иш стажлари камида 25 йил, аёллар — 55 ёшга тўлганда, иш стажлари камида 20 йил бўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Пенсия миқдори иш стаж ва иш ҳақига боғлиқ. Фуқаро меҳнат фаолияти давомида пенсияга чиқиш учун етарли иш стажга эга бўлган ҳолда, лекин меҳнат фаолияти даврида кам иш ҳақи олган тақдирда пенсия миқдори камроқ чиқиши мумкин. Шунингдек, меҳнат фаолияти давомида етарли иш стажига эга бўлган ҳамда кўпроқ иш ҳақи олган фуқаро, албатта, кўпроқ миқдордаги пенсияга чиқади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаш учун пенсияларнинг қуйидаги базавий миқдорлари белгиланади:

- ёшга доир пенсиялар учун — пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам эмас;

- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам эмас;

- боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига — пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам эмас;

- ҳар иккала ота-онасини йўқотган болалар(чин етимлар)га боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига ҳар бир бола учун — пенсияни ҳисоблашга қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам эмас.

Бундан ташқари, иш стаж қонунчиликда белгиланганидан кўп бўлган тақдирда, масалан, аёлларга пенсияга чиқиш учун 20 йил стаж талаб қилинса, фуқаронинг иш стаж 30 йилни ташкил қилса, бундай ҳолатда ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизига ошириш орқали пенсия ҳисобланади.

БИЛАСИЗМИ?

Ўзбекистонда нечта саноат корхоналари фаолият юритмоқда?

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистонда 293,6 трлн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 5,6 фоизга ошган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 70 мингта саноат корхоналари фаолият юритмоқда, шундан 11,5 мингтаси Тошкент шаҳрига, 7,9 мингтаси Фарғона вилоятига, 7,1 мингтаси Тошкент вилоя-

тига ва 6,2 мингтаси Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келган.

2023 йилнинг январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги кўриниш касб этган:

Ўқимачилик маҳсулотлари — 33,3 трлн сўм,
Кийим ишлаб чиқариш — 10 трлн сўм,
Металлургия саноати — 57,8 трлн сўм,
Кимё маҳсулотлари — 16 трлн сўм.

БИЛАСИЗМИ?

Пенсия пулидан мажбуран коммунал тўловлар учун ушлаб қолиш мумкинми?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддасига асосан, пенсиялардан чегирмалар суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари асосида қилиниши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, пенсия

пулидан коммунал тўловлар учун ушлаб қолиниши мумкинлигини аңгласак бўлади.

Аммо ҳар ойлик чегирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.



МИНБАР

Маҳалламиз тумanning энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Туман марказигача 27 км. масофани босиб ўтиш керак. Асосий муаммолардан бири — йўлларимизнинг абгор ҳолга келиб қолгани эди. Аммо аҳоли кўмаги ва ҳашар йўли билан ички йўлларга тош тўктириб, текислаб чиқдик. «Ташаббусли бюджет»га киритган лойиҳамиз тасдиқланди, эндиликда бу йўлларни асфальт қилиш учун ғолиб бўлишга ҳаракат қиламиз.



Гулмира САФАРОВА,
Иштихон
туманидаги
«Моҳпар»
маҳалласи
раиси.



Оилани яраштириш оғирлашиб боряпти

Шунингдек, бугун бандлик масаласи ҳамма жойда энг катта муаммо. Шу боис асосий урғуни ишсизликни камайтиришга қаратяпмиз. Ишсизлик жуда кўп нарсаларга бориб тақалади. Жиноят қилишга, оилалар ажралишига, болалар тарбиясига ва ҳақозоларга. Шу боис ишсизликка ечим излаяпмиз.

Қишлоқ шароитида ишсизликни ер орқали енгил мумкин. Ер одамларни боқади. Кам таъминланган оила ёшларининг ҳар бирига ер ажратиб бердик. Бу ерларга, асосан, картошка ва памидор етиштиришяпти. Полиэ экинлари ҳам экилган. Қолаверса, иссиқхоначилик ривожланмоқда, аксарият фуқароларимиз айнан шу тармоқда банд. Асосийси, шаҳардан ёки хориждан иш излаб, кетиб қолишларнинг олди олинапти.

Излаган имкон топади. Ҳаракат қилган одам қийналмайди. Қишлоқда бўлса ҳам яхши яшашга, турмуш тарзимизни ўзгартиришга ҳаракат қияпмиз. 10 йилдан буён маҳалла раисиман. Ҳудудимдаги ҳар бир оиланинг муаммосини яхши биламан. Ўзлари келмасидан олдин

ўзим нима муаммо, деб бориб тураман. Чунки ҳар қандай муаммони бошидан ҳал этсагина кўпчи кетмайди.

Шу ўринда бир фикр: оддий муаммолардан фожиа ясаб, келишмай қолганларни яраштириш — **маҳалла ишидаги энг қийин вазифалардан**, деб биламан. Мактабни эндигина битирган йигитларни уйлантириш, уй-рўзғор ташвиши, ишларига умуман тайёр бўлмаган қизларни турмушга чиқариш гоҳида мана шундай — арзимас нарсалар учун жанжалларга сабаб бўлмоқда. Бундай оилалар билан ишлашда **психологлар хизмати**га таянамиз. Афсуски, маҳалланинг ўзида бундай лавозим йўқлиги туфайли мактаб психологларини жалб қилишга тўғри келади.

Албатта, бу ўринда **маҳалла раисининг ўзи ҳам психолог бўла олиши лозим**. Мурожаат қилаётган фуқарога, аввало, яхши муносабатда бўлиб, у жаҳл отига минган бўлса, яхши сўз билан тинчлантириб, кейин унинг дардини, фикрини чуқур эшита олиш лозим. Психолог бўлолмасангиз, фуқаронинг дардини, муаммосини инсон сифатида тушуна олмасангиз,

мурожаатнинг нафи бўлмайди, унга ечим ҳам топа олмайсиз, ҳатто фуқарога фикрингизни тушунтира олмайсиз.

Таклиф масаласига келсак, ажралишлар дилимизни оғритади. Тўғри, ўзим раҳбарлик қилаётган маҳаллада 5 йилдан буён бирорта ажралиш ҳолати кузатилмади, бироқ бу айни мавзуну эътибордан четда қолдириш керак дегани эмас. Назаримда, бунинг олдини олиш учун ҳар икки томон билимли бўлиши керак. Ёшларимизга кўпроқ китоб ўқитишимиз, оила мактабидан хабардор қилишимиз лозим. Яна бир фикр шуки, оила ажрашган тақдирда болалар 18 ёшга етгунга қадар банкда уларнинг номига алоҳида ҳисоб-рақам очиш керак. Алиментдан ташқари, ҳар икки томон фарзанд 18 ёшга тўлгунча унга бир хил миқдорда пул ўтказиб турсин. Шунда етим қолган болалар ҳеч бўлмаса ўқиши ёки ишлаши учун дастлабки сармояга эга бўлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Жамила БОЗОРОВА,
Учкўрғон туманидаги
«Фаровон» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда балиқчилик тармоғини ривожлантиришга имконият бор. Бундан унумли фойдаланаётганлар кўпчиликини ташкил этади. Айтишларича, хонадонда балиқ етиштиришга гаровсиз кредит берилиб, мол-мулк ва ер солиғи бўйича имтиёз қўлланилар экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз. Буни маҳалладошларимизга тўғри тушунтириб, балиқчиликни асосий «драйвер» соҳага айлантирмоқчимиз.

Гаровсиз кредит 50 миллион сўмгача



Аброр ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси бўлими
бош мутахассиси:

— «Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига асосан, балиқчиликни йўлга қўймоқчи бўлганларга қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ўз хонадонидан балиқ етиштиришни йўлга қўйиши мумкин. Балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига ер солиғи ва мол-мулк солиғи ставкаси 50 фоиз миқдорда белгиланади.

Шунингдек, 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январгача жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун БҲМнинг икки бараваригача (660 минг сўм) миқдорда бир марталик субсидия ажратилади.

2022 йил 15 январдан «Ҳар бир оила — тадбиркор» давлат дастури доирасида хонадонларда балиқ етиштириш учун ажратиладиган кредит БҲМнинг 150 бараваридан (49 500 000 сўмдан) 300 бараваригача (99 000 000 сўмгача) оширилади.

Шу билан бирга, куни кеча қабул қилинган «Балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ҳавзаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш ҳамда балиқ овлаш ва сув бўйи туризми масканларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори билан 2024 йил 1 январдан «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига балиқчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади. Бунда Сув хўжалиги вазирлиги балиқчилик билан шуғулланувчи оилаларни сув билан таъминлаш чораларини кўради.

Қолаверса, 2023 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига давлатга тегишли табиий ва сунъий сув ҳавзалари (сув омборлари) — балиқни саноат усулида етиштириш ва овлаш учун, сув омборлари ҳамда дарё атрофидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари — «пляж зона»ларини ташкил этиш, балиқ ови, қайиқда сузиш ва сув саёҳати бўйича ижарага берилади.

БИЛАСИЗМИ?

ИПХ ходими қандай ҳолатларда ҳайдовчини тўхтатиши мумкин?

ИПХ ходими транспортни фақат қуйидаги асослар билан тўхтатиши мумкин:

- йўл ҳаракати қоидалари бузилиши визуал кузатув ёки махсус мослама ёрдамида аниқланганда (масалан, ҳайдовчининг қизил чироқда ўтгани камерага тушган бўлса);

- Махсус мосламалар — аудио, фото ва видео техникалари ёки кўча фоторадар ва мобил комплекслар, алкотестер, наркотестер, планшет ҳамда «тонировка»ни ўлчовчи воситалар;

- транспорт, ҳайдовчи ёки йўловчи кидирувда эканлиги, ҳуқуқбузарликка алоқаси бор бўлса;

- ҳайдовчи ёки йўловчи йўл транспорт ҳодисаси (ИТХ), ҳуқуқбузарлиқни кўрган бўлса, улардан ҳодисага оид маълумот олиш керак бўлганида;

- ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш бўйича қонуний кўрсатмаларни бажаришда (масалан, йўлда авария ҳолати бўлган бўлса, оммавий тадбир, марафон

ўтказилаётган бўлса);

- ИПХ ходими ҳайдовчининг транспортдан фойдаланиш зарурати бўлганда (масалан, табиий офат бўлган жойга бориш, шошилиш тиббий ёрдамга муҳтожларни касалхонага олиб бориш, жиноят қилганларни таъқиб қилиш);

- махсус тадбирлар вақтида (ИТХ ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар, халқ тилида «рейд» вақтида);

- «права» ва бошқа ҳужжатларни текшириш учун.

ИПХ ходими бошқа асосларга кўра транспортни тўхтатиши мумкин эмас. Транспортни йўлларининг кўриш чекланган қисмлари, бурилишдан олдин ва кейин, тик нишаблик ёки тик баландликлар, чорраҳалар, ер ости ўтиш жойлари олдида, темир йўл кесишмаси ҳудуди ва бошқа хавфли жойларда тўхтатиш тақиқланади. ИПХ ходимининг ишоралари тушунарли ва ўз вақтида берилиши лозим.

Қоидабузарлик аниқланганда ИПХ ходими ҳайдовчига аввал айнан содир этган қоидабузарликни тушунтириб, шундан сўнг ҳужжатларни текшириб, чора кўриши керак. «Рейд» вақтида транспорт тўхтатилганда ИПХ ходими «рейд»нинг мақсади ҳамда тўхтатиш сабаби ҳақида тушунтириш бериши керак.

ИПХ ходими ҳар қандай вазиятда йўл ҳаракати қатнашчилари билан вазмин, ҳушмуомала, одобли ва эътиборли бўлиш, уларга ҳурмат билан ҳамда «Сиз» деб мурожаат қилиш, муомала маданияти ва қонунийликка риоя қилиши керак. ИПХ ходими йўлларда хизматни яширин олиб бориш тақиқланади.

Ҳайдовчи ИПХ ходими билан ўзаро муносабатини ўзига тегишли аудио, фото ва видео қурилмага қайд қилиши мумкин. Шунингдек, ҳайдовчилар хизматни мобил видеокамерасиз олиб бораётган ИПХ ходимига ҳужжатларни тақдим этмаслик ҳуқуқига эга.

ТАКЛИФ



«Аҳоли кўп, ҳудуд катта, аммо бино йўқ»

Аҳоли билан яқиндан ишлаш мақсадида уйма-уй юриб, одамларнинг муаммоларини чуқурроқ ўрганиб, қўлимиздан келганча кўмаклашиб келяпмиз. «Бешлик» билан биргаликда аҳолини рўйхатдан ўтказиб, кам таъминланган, кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг рўйхати шакллантирилиб, улар билан доимий ишлашни йўлга қўйганмиз.

Маҳалла ҳудудди катта, аҳоли сони ҳам шунга яраша. Йиғинда 7 439 та хонадонда жами 18 433 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда ишлаб чиқариш корхоналари кўп бўлгани учун аҳолининг деярли 70 фоизи ушбу ташкилотларда ишлашади. Маҳаллада жорий йилнинг бошида 34 нафар ишсиз аҳоли рўйхатга олинган. Шулардан 5 нафари давлат ташкилотларига ўз мутахассислиги бўйича доимий ишга жойлаштирилди, 7 нафарига имтиёзли кредитлар эвазига турли асбоб-ускуналар олиб берилди. 1 нафарига имтиёзли кредит асосида тикув машинаси топширилган бўлса, 14 нафарини ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналарига кунлик ҳақ тўланадиган ишларга жойлаштирдик. Бугун 7 нафар ишсиз фуқаро рўйхатда қолаётган бўлса, йил охиригача улар бандлиги таъминланади.

«Ёшлар дафтари»даги 6 нафар ёшга тадбиркорлигини йўлга

қўйиши учун имтиёзли кредитлар олиб берилди. 4 нафарининг контракт пуллари тўлаб берилди. Турли касбларни ўрганиш истагида бўлган ёшларимизни тумандаги мономарказда ўқитиб, бандлигини таъминлаяпмиз.

Ҳудуд инфратузилмаси яхшиланмоқда. Жумладан, ўтган йили «Ташаббусли бюджет»нинг иккинчи мавсумида қолиб келиб, жорий йилнинг январь ойида ички йўлларимиз таъмирланиб, 500 метри, ҳокимлик ҳисобидан яна 500 метри асфальтланди. Одамларнинг текис ва раван йўлларда ҳаракатланишига замин яратилди. Ҳудудга янги замонавий 30 та тунги чироқлар ўрнатилди. Шунингдек, ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун вилоят ҳокими ташаббуси билан йиғинда мўъжазгина кутубхона қурилиш арасида.

Муаммо ва тақлифларимиз йўқ эмас. Энг аввало, фуқаролар йиғинига бино керак. Маҳалла ўз биносига эга эмас.

Барчиной ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Навоий шаҳридаги
«Фаровон» маҳалласи раиси.

Ходимлар билан биргаликда ижарада туриб фаолият юритамиз. Жорий йилнинг иккинчи ярмида маҳалла биноси қуриб берилиши бўйича ҳокимликка ва «Ташаббусли бюджет»га лойиҳа-мизни киритганмиз. Истардикки, маҳалламизда ходимлар учун алоҳида бино қуриб берилса, ходимларнинг янада шижоат билан ишлашига замин яратилган бўларди.

Шунингдек, маҳалла ҳудуди катта ва аҳоли сони кўп бўлгани учун улар билан ишлашда баъзи муаммолар туялди. Аҳолининг мурожаатларини тезкор ҳал қилишда ҳам бир қанча муаммолар юзага келяпти. Шунинг учун маҳалла иккига бўлинса, ходимларнинг иш самарадорлиги ортиб, аҳоли муаммоларини тезкорлик билан ўрганишга замин яратилган бўларди.

Оқова сув тармоғи таъмирталаб

Ҳудудга ўтган йили раис бўлиб сайланганман. Йиғинда 511 та хонадонда жами 3 212 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг аксарият қисми боғдорчилик, узумчилик ва деҳқончилик ортидан рўзғор тебратади. Шулар ортидан уйлар, тўйлар қилишади.



Гулбаҳор ҒУЛОМХОНОВА,
Пискент туманидаги
«Бекобод» маҳалласи раиси.

Йиғинда йил бошида 4 нафар ишсиз фуқаро мавжуд эди. Улардан бир нафарини ҳақ тўланадиган ишга, 2 нафарини эса ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлаб, бандлигини таъминладик. Ҳозирда бир нафар ишсиз фуқарони ишга жойлаштириш саъй-ҳаракатидамиз. 2023 йилнинг шу даврига қадар аҳолининг 66 нафарига турли йўналишлар бўйича имтиёзли кредитлар ажратилиб, тадбиркорликни йўлга қўйишига кўмаклашилди. «Одамларнинг кўлига балиқ эмас, қармоқ бериб, балиқни ўзи тутишини ўргатиш керак», деганларидек, ишсиз фуқароларга ўз қизиқишларига асосан, касб-ҳунарга ўқишни тақлиф қилиб, жамиятда ўз ўрнини топишига эришмоқдамиз.

Президентнинг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бўйича маҳаллага 1,9 километр узунликда тоза ичимлик суви келтирилди. Бу билан аҳолининг оби-ҳаётга бўлган эҳтиёжи

қондирилди. Шунингдек, қарор бўйича ҳудуддаги эскирган симёғочлар ўрнига янги бетон устунлар ўрнатилди. Эски электр симлари йиғиб олиниб, юқори қучланишга мослашган электр кабеллари тортилди. Шу билан бирга, аҳоли сони кўплигидан мавжуд трансформатор қучланиш билан ишлаётгани ҳисобга олиниб, 400 киловатт қувватли янги трансформатор ўрнатилди. Носоз бўлган 6 километр узунликдаги йўлларимизни таъмирлаш ва асфальт қилиш бўйича тақлиф киритганмиз. Бу тақлиф тасдиқланиб, йўлларимиз асфальтлаштириш арасида.

Ечимини қутаётган битта масаламиз бор. У ҳам бўлса, ҳудуддан катта канал ўтган, аҳолининг деярли 90 фоизи унинг суви орқали деҳқончилик қилади, томорқасини суғоради. Лекин канал таъмирталаб, чиқиндилар билан тўлгани боис аҳоли каналдан сув олишга қийналади. Истардикки, мазкур канал таъмирланса, чиқиндидан тозаланса, аҳолига деҳқончилик қилиш учун имконият яратилган бўларди.

БИЛАСИЗМИ?

Кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар текширувдан сўнг тасдиқланади

Президентнинг 2023 йил 15 августдаги «Кўп квартирали уйларни бошқаришни янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга кўра, республикадаги чегаралари белгиланмаган кўп квартирали уйларнинг туташ ер участкалари чегаралари белгиланиб, «YERELEKTRON» ахборот тизимига киритилади.

2024 йил 1 январдан эса кўп квартирали уйлардаги кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар нотариуслар томонидан мулкдорнинг мажбурий бадаллар ёки тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги текширилгандан кейин тасдиқланади.

Мажбурий бадалларнинг ёки тўловларнинг энг кам миқдори қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланади.

Агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган (дарaxт ва бута шох-шаббалари, барглари) ва кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларни тозалашдан ҳосил бўлган чиқиндиларни маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларида ёки чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш операторлари билан келишилган махсус жойларда йиғишга рухсат этилади.

Ширкатлар ва бошқарувчи ташкилотларнинг ҳудудий электр

тармоқлари корхоналари олдидаги қарздорлиги ва улар учун ҳисобланган жарималарнинг тўлов муддати 2024 йил 1 октябргача кечиктирилади.

Қарор билан шунингдек, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига қўйидаги қўшимча ваколатлар берилди:

- кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ва жойлар мулкдорлари томонидан иссиқлик

таъминотидан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулк ва уларга туташ ер участкаларида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг қонунчилик ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш.



Газета кўмак ва маслаҳат берди

Улғубек ЭРГАШЕВ,
Фуркат туманидаги
«Ингичка»
маҳалласи раиси.

Ишдаги ютуқ ва муваффақиятлар, аввало, яратилган қулай шарт-шароитга боғлиқ. Буни биз ўз тажрибамизда кўриб, гувоҳ бўлдик. Аниқроғи Фуркат туманидаги «Ингичка» маҳалла фуқаролар йиғини бир неча йиллардан буён ўз биносига эга эмасди.

Гоҳ тадбиркорни жойида ўтирса, гоҳида қишлоқ врачлик пункти биносига кўчиб ўтарди. Баъзида мактаб биносига, баъзида кимнингдир хонадонига ўтиришга ҳам тўғри келарди. У кунлар энди ўтмишда қолди.

Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрами арафасида ўз биномизга эга бўлдик. Янги бино учун туман ҳокими ҳамда депутатлар кенгаши 200 млн. сўм маблағ ажратиб, тадбиркордан бино сотиб олинган бўлса, йиғин ходимлари ташаббуси билан ҳомийлик асосида 100 млн. сўм маблағ сарфланиб, замонавий кўринишда таъмирланиб, фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилди. Бир қа-

рашда ҳаммаси зўр, ҳаммаси жойида эди. Аммо бизни яна бир масала ўйлантирарди. Яъни, бу ишлар якунига етказ, янги бино учун жиҳозлар, мебеллар жамланмаси йўқ эди.

Шундай қийин вазиятда сеvimли нашримиз «Mahalla» газетаси бизга беминнат кўмакчи ва маслаҳатчи сифатида елкадош бўлди. Таҳририят берган ҳуқуқий кўмак орқали биз муаммо бўйича республика «Маҳалла» хайрия жамоат фондига мурожаат қилдик. Қувонарлиси, мурожаатимизни жамоат фонди тезкорлик билан кўриб чиқди. Маҳалла фуқаролар йиғини учун мебеллар жамланмаси ва сертификати топширилди.

Бугун биз энг замонавий хоналарда, замонавий шароитларда ишлаш имконига эга бўлдик. Барча «бешлик» ходимларига алоҳида хоналар ажратилди. Ҳеч шубҳасиз, бу – «Ингичка» маҳалласи аҳолиси учун энг азиз байрамимиз – Мустақиллик айёмига ажойиб тухфа бўлди!

МЕНДА САВОЛ БОР...

Фозилжон ҚУТЛИЕВ,
Пахтачи туманидаги «Ёбу» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда ажрашган оилалар бўлиб, улар фарзанди учун алимент олади. Агар шу аёллар бола пулига ариза топширса, алимент олаётгани учун аризаси рад этилиши мумкинми?

Алимент олаётган оналарга бола пули берилмайдими?



М.РАЗЗАКОВ, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
бўлим бошлиғи ўринбосари:

— Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлашда оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатли ёшдаги аъзосини расмий даромад манбаларига эгалигини аниқлаштириш талаб қилинади. Белгиланган мезонлар асосида оилани кам таъминланган оила, деб эътироф этиш ва унга болалар нафақаси, моддий ёрдамни тайинлаш ёхуд тайинлашни рад этиш «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлашда оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад мурожаат қилинган ойдан олдинги ойгача бўлган охириги уч ойи учун ҳисоблаб чиқилади. Сўнг барча оила аъзоларининг даромади суммасини оила таркибига ки-

ритиладиган аъзолари сонига ва уч(ойлар сони)га бўлиш орқали аниқланади.

Оиланинг бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинган жами даромадга оила томонидан олинган алиментлар ҳам киритилади.

Ушбу ҳолатда олинган алиментлар қўшилган ҳолда оила жами даромадларининг оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган миқдори минимал истеъмолад харажатлари миқдоридан кам бўлса ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа мезонларга мос келса, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланиши мумкин. Ҳозирда 2023 йил 1 августдан минимал истеъмолад харажатлари 568 минг сўм этиб белгиланган.

БИЛАСИЗМИ?

Хазина топиб олинганда унинг эгаси ва топган шахсга тенг бўлинадими?

Ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёхуд қимматбаҳо буюмлар хазина яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва шу кабилар) мулкдорига ва хазинани топган шахсга тенг улушларда ўтади.



Хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг розилигисиз қазилма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши керак.

Моддий маданий мерос объектлари жумласига кирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат мулкига топширилиши керак. Бунда хазина топилган ер участкаси, унинг эгаси ва уни топган шахс

биргаликда хазина қийматининг 50 фоизи миқдорига мукофот олиш ҳуқуқига эга.

Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Агар хазина яшириб қўйилган бўлсаю, мол-мулк эгасининг розилигисиз қазилма ишлари олиб борилган ёки бойлик қидирган шахс уни топиб олса, бу шахсга мукофот тўланмайди ва хазина батамом мулкдорнинг ихтиёрига ўтади.

25 та туманда чорвачилик кластерлари ташкил этилади

«Чорвачиликда идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, Ўзбекистонда ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизими қуйидаги 2 босқичда жорий қилинади:

1-босқич – 2023–2024 йилларда чорвачиликка ихтисослаштирилган 25 та туманда. Ушбу туманларда ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизими жорий қилиш бепул амалга оширилади.

2-босқич – 2025–2026 йилларда республиканинг қолган туманларида.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси соҳада масъул орган ҳисобланади.

Қарор билан Қўмита ҳузурида давлат муассасаси шаклида Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш маркази ташкил этилади.

Шунингдек, 25 та туманда қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган чорвачилик кластерлари ташкил этилади:

— гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш, шунингдек, аҳолидан йиғиб олиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот шаклида реализация қилиш;

— тайёр озуқа ем маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни аҳолига қулай бўлган ҳудудларда сотиш шохобчаларини ташкил этиш;

— аҳоли хонадонларига маҳсулдор насли молларни етказиб бериш;

— чорва молларини сўйиш қушхоналари, териларни қабул қилиш ва қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш;

— терини қайта ишловчи корхоналар билан биргаликда кооперация асосида теридан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Шунга кўра, ташкил этиладиган чорвачилик кластерларига:

— 60 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилади;

— пахта ва ғалла экин майдонларини қисқартириш ҳисобига ҳар бир туманда камида 100–150 гектар майдон озуқабоп экинлар экиш учун ажратилади.

2023 йил 1 декабрдан чорвачилик хўжаликлари ўз эҳтиёжи учун импорт қилган наслдор қорамолларга ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини Қўмита кафолати асосида 180 кун ичида тўлаб бериш тизими жорий этилади.

2023 йил 1 сентябрдан 2025 йил 31 декабргача давлат томонидан қуйидаги тартибда субсидия ажратилади:

— чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига 2 миллион сўм, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига 400 минг сўм миқдорида;

— паррандачилик хўжаликларида ҳар бир бош 1 кунлик наслдор жўжани импорт қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 15 минг сўмини қоплаш учун.

ФИКР



«Режалар белгиланган, аммо ижродан дарак йўқ»

Кувондик ЖУМАНАЗАРОВ,
Боғот туманидаги
«Боғистон» маҳалласи раиси.

Аслида, рақамлар бундан ҳам кўп бўларди. Аммо ер билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятига кўмак бера олмаяпмиз. Шундай таклиф билан чиққан маҳалладошларимизга ер ажратиш муаммо. Чунки бизда аҳоли кўплиги учун бўш ер майдони деярли йўқ. Афсуски, инфратузилма билан боғлиқ ҳолатимиз яхши эмас. Мавжуд 32 та кўчамизнинг барчаси тупроқли. Бирортаси на шағал, на асфальтланган.

Ичимлик сув билан боғлиқ муаммо ҳам ечимини кутмоқда. Жами кўчаларимиз 18 км. масофада жойлашган бўлса, шундан атига 30 фоизига ичимлик сув тармоғи борган, холос. Аксарият маҳалла аҳолиси хонадонидан ер остидан артизиан қудуқ қавлаб, сув чиқарган. Аммо бу сувни истеъмолга яроқли ёки яроқсизлиги текширилмаган.

Бундан ташқари, электр энергиясида ҳам узилишлар учраб туради. Чунки симёғочлар, трансформатор эски. Шу боис электрда узилишлар кузатилади. Айниқса, қишда деярли электр таъми-

Маҳалламиз нисбатан чекка ва олис ҳудудда жойлашган. Бир қатор Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ечимини кутмоқда. Ҳудудимизда 3 841 нафар аҳоли истиқомат қилади. Сўнгги марта ўтказилган ҳатловда 137 нафар ишсиз аниқланган. Уларни иш билан таъминлашга керакли чоралар кўрилмоқда. Жумладан, 8 та янги тадбиркорлик субъектлари иш бошлаб, уларда 2 тадан фуқаро бандлиги таъминланди. Жорий йил охиригача яна 6 та тадбиркор фаолиятини бошлайди.

ноти бўлмайди. Бу масалани сектор раҳбарига айтганмиз. Шу йил бу муаммо ҳал бўлишини билдиришган.

Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар жорий йил январь ойидан бошлаб ҳал этилиши маълум қилинганди. Яъни, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг «Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Ислом Тараққиёт Банки ва ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси кўмағида Хоразм вилоятидаги 6 туманининг 49 маҳалласида инфратузилмани яхшилаш белгиланган. Шунга асосан, қишлоқларнинг архитектура қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси объектлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий объектларни ободонлаштириш ва қуриш, шунингдек, аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилувчи кичик лойиҳаларни ўз ичига олган маҳаллани ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди.



Жумладан, бизнинг маҳалламизда ҳам қишлоқ врачлик пункти, болалар боғчаси ва мактаб қурилиши, йўллар асфальтланиши, пйёдалар йўлакларини барпо этилиши, электр, сув таъминоти, канализация ва дренаж тизимлари яхшиланиши кутиляпти. Аммо айtilган муддат келган бўлса-да, ҳозирча иш бошланмади. Тезроқ шу масалалар ечимини топиб, маҳалламиз обод масканлар сафига қўшилишини хоҳлаймиз.

БИЛАСИЗМИ?

Расмий банд бўлиш учун нима қилиш керак?

Ўзининг шахсий томорқа ер участкасида қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқаролар томонидан йилига БҲМнинг камида бир баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилиши ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилиши белгиланган:

— чорвачилик (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар);
— иссиқхона;
— паррандачилик (бедана, курка, ғоз, ўрдақ);
— кўёнчилик;
— асаларчилик;
— балиқчилик;
— боғдорчилик;
— лимончилик;

— гулчилик.
Бунда ушбу фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқароларга уларга тегишли бўлган томорқа ер участкасининг майдони ёки улар томонидан парвариш қилинаётган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг сонидан қатъи назар ихтиёрий тартибда ижтимоий солиқни тўлашга рўхсат этилади.

ТАКЛИФ

Маҳалла раиси лавозимида 2022 йилдан бери ишлайман. Тўғри, бу катта муддат эмас. Аммо мен учун вазифани бажариш қийин бўлмади. Чунки аввалдан тизим ишида қатнашиб, фаоллар сафида эдим.

«Маҳалла бюджети» амалиётда қўлланилиши керак»



Дилмурод РЎЗИЕВ, Қўрғонтепа туманидаги «Қизил тўқай» маҳалласи раиси.

Ишни, аввало, аҳоли билан танишиб, ижтимоий аҳволларини, муаммоларни ўрганишдан бошладим. Ҳудудимизда 548 та хонадон бўлиб, 753 та оилада жами 2786 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий «драйвер»имиз деҳқончиликка ихтисослашган ва одамларимиз орасида бекорчи инсонни топа олмайсиз. Ишсизман, деган ҳам ҳеч бўлмаса, бирорта фермер хўжалигида мавсумий иш билан банд бўлади. Умуман ишсиз йўқ, дея олмайман. Охириги ҳатловда 13 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинганди. Уларнинг 8 нафарини «Аёллар дафтари» рўйхатига киритиб, тикув машинасини олиб бердик.



Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар аста-секин ечилмоқда. Жумладан, ичимлик сув йўқ. Қўшни Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти билан чегарадошмиз. Шу боис чегара маҳаллаларни ривожлантириш дастурига кўра, 11 км. масофада сув тармоғи тортиш ишлари бошланди, 2 та сув қудуғи қуриляпти. Бундан ташқари, электр энергиясидаги муаммоларни ҳал қилиш ҳамда кўчаларимизни асфальтлаш бўйича 2 та лойиҳамизни «Ташаббусли бюджет»га қўйдик. Насиб қилса, ғолиб чиқсак, 200 та симёғоч ва 2 та трансформатор ўрнатилиб, 1 миллиард 200 миллион сўмлик асфальтлаш ишлари бошланади. 2,5 км.лик йўлни асфальтлашга 760 миллион сўм маблағ керак бўлади. Бу билан Учқўрғон кўчаси тўлиқ асфальтланади. Келажакда яна 9,5 км. масофани асфальтлаш режамизда бор.

Тизимдаги қисқа фаолиятимда англадимки, маҳалла чин маънода ўзини ўзи бошқариш органига айланиши учун молиявий мустақил бўлиши шарт. Шу боис Президент ташаббуси билан бошланган «Маҳалла бюджети» тизимини тезроқ амалга татбиқ этиш керак.



«Жамоатчилик асосида» деган сўздан фойда йўқ...»

Маҳалла «бешлиги» жорий этилгани, маҳаллалар, ходимлар фаолиятини рейтинг баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилгани ва улар рағбатлантирилиши ишимизни янада самарали олиб боришга замин яратмоқда. Қолаверса, маошларимиз оширилди, фуқаролар мурожаати билан ишлаш борасидаги ваколатимиз кенгайди. Қисқаси, имконият ва шароит бор, эътибор ва рағбат етарли, энди фақат ишлаш керак.

Анвар ҲАКИМОВ,
Қарши шаҳридаги
«Қиличбек Қўрғонча»
маҳалласи раиси.

Маҳалламизда 3,3 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар ҳудуди бўлгани боис уларнинг асосий тирикчилиги — тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ билан боғлиқ. Шунга кўра, маҳаллада аёллар сартарошхонаси, тикувчилик, ошпазлик, қандолатчилик йўналишлари ўқув маркази ташкил этилди. Давлат хизматлари маркази филиали очилди. Қолаверса, иссиқхоначиликни ривожлантириш мақсадида ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга субсидия асосида иссиқхона қуриб бердик.

Хатлов ўтказиш мақсадида ҳоким ёрдамчиси билан хонадонма-хонадон кириб чиқдик. Кимнинг қандай муаммоси борлиги, ким қандай ишга қўл урмоқчилигини ўргандик. Шу асосда рўйхат шакллантирдик. Кредит олиш истагидаги фуқаролар учун банкка тавсиянома беришимиз, иссиқхона қурмоқчи бўлганларга субсидия олиб бериш ҳаракатидамиз. Хуллас, қизғин иш жараёни оғушидамиз.

Анча вақтдан бери маҳалла раиси сифатида фаолият юритаман. Ўзим учун ҳулоса қилганманки, халқнинг яхши-ёмон кунда елкадош бўлсангиз, муаммо билан ҳузурингизга келганларни эшитишни билсангиз, зарур ўринларда керакли маслаҳатларни бера олсангиз, одамлар ҳам

маҳалла раисини ҳурмат қилади. Бирор ташаббус билан чиққанингизда қўллаб-қувватлайди. Демоқчиманки, халқнинг ишончини қозониш аслида қийин эмас, бироқ унга муносиб бўлиб фаолият юритиш — энг қийин.

Таклифлар масаласига келсак, маҳалла фаолларининг ҳуқуқий, маънавий савиясини ошириш бўйича ишлар тўхтаб қолмаслиги керак. Йиғин раиси ҳудуднинг мазкур йўналишларда энг етук инсонларидан бири бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса доимо ўқиш, изланишда бўлиши керак. Айниқса, тизимни такомиллаштиришга қартилган ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида раисларга мутахассислар томонидан батафсил тушунтириб борилиши лозим. Ўйлайманки, бу каби ўқувларнинг тез-тез ўтказиб турилиши фойдадан холи бўлмайди.

Яна бир масала: кўпчилик маҳаллада обрўли, халқнинг ҳурматиغا сазовор бўлган кишилар ишлаши керак, бир пайтлар улар бепул ҳам шу вазифани бажарган, деган фикрларни билдиришади. Бугун, афсуски, бунинг иложи йўқ эканини маҳаллада бир кун ўтирган одам тушуниб олади. Моддий жиҳатдан қандайдир қўллаб-қувватлов бўлмас экан, «жамоатчилик асосида» деган сўзлардан фойда йўқ, чамамда. Шу боис бу масалада рағбат чораларини кучайтириш керак.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Сабоҳат КОМИЛОВА,
Миробод туманидаги «Ойбек» маҳалласи раиси:

— Маҳаллада ногиронлиги бор фуқаролар яшайди. Улар доим ҳам нафақа тайинлашни сўраб идорама-идора юришга имкони йўқ. Аввалроқ бир неча турдаги нафақалар фуқаро иштирокисиз — «проактив шакл» тайинланиши ҳақида айтилганди. Хўш, бугунги кунда «проактив шакл»да қандай нафақалар тайинланмоқда?

Мурожаатсиз ва ҳужжатсиз нафақа олиш мумкин



Қамолитдин ҲОЖИБЕКОВ,
Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати
бошқарма бошлиғи:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги тегишли қарори билан «Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» Низом тасдиқланди. Низом билан қуйидаги нафақа турлари белгиланди:

- ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси;
- парваришlash нафақаси;
- ногиронлик нафақаси;
- боқувчисини йўқотганлик нафақаси;
- ёшга доир нафақа.

Бунда 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси ҳамда парваришlash нафақаси Пенсия жамғармаси томонидан ахборот тизимлардаги маълумотлар асосида «проактив шакл»да фуқаронинг мурожаатсиз ва ҳеч қандай ҳужжат талаб этилмасдан тайинланади. Мазкур нафақалар ушбу тоифа шахсларга бошқа турдаги нафақа ёки пенсия олишидан қатъи назар, ногиронлиги бор бўлган бола 18 ёшга тўлгунига қадар берилади. Шу билан бирга, ижтимоий ёрдам ахборот тизимлардаги маълумотлар асосида инсон омилисиз 5 дақиқалик муддатда тайинланади.

Ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик нафақалари Давлат хизматлари марказига паспорт ёки ID карта тақдим этиш орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталида электрон равишда мурожаат қилиш орқали Пенсия жамғармаси томонидан автоматик равишда тайинланиши белгиланди.

Шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга қўшимча тўловни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Унга кўра, юқоридаги шахслар тоифаси, ахборот тизимларидан олинган маълумотлар орқали Пенсия жамғармаси томонидан ушбу шахсларга «проактив шакл»да фуқаронинг ҳеч қандай мурожаати ва ҳужжатларисиз базавий ҳисоблаш миқдорда ҳар ой қўшимча тўлов тўланиши, қўшимча тўлов фуқаронинг пенсия ёки нафақа олишидан қатъи назар тўланиши белгиланди.

БИЛАСИЗМИ?

Касаначини банд қилганга субсидия ажратилади

Ҳукумат қарори билан Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, касаначиликни ташкил қилган тадбиркорларга Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан улар фаолиятининг дастлабки 3 ойида бир ойлик ўртача даромади миқдорида 1 марталик субсидия берилади.

Субсидия олиш учун ҳоким

ёрдамчиси тавсияси асосида маҳаллий меҳнат органига ёки ЯИДХП (my.gov.uz) портали орқали мурожаат қилиши мумкин. Мурожаатда касаначи маълумотлари, субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварақ ва манзили кўрсатилади.

Мурожаат 3 иш кунда кўриб чиқиладди.

Субсидия ажратиш қуйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

- ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаганида;
- касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси Ягона электрон шартномалар порталида рўйхатдан ўтказилмаганда;
- касаначининг дастлабки 3

ой давомидаги даромади ҳақидаги маълумот ҳаққонийлиги тасдиқланмаса.

Мурожаат рад этилганида 1 кунда бу ҳақида мурожаатчига хабар берилади.

Субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилинганида 5 иш кунда субсидия мурожаатчига ўтказиб берилади.



НУҚТАИ НАЗАР



«Умидимиз «Ташаббусли бюджет»дан...»

«Бешлик» билан биргаликда аҳолининг муаммоларини ўрганиб, уларнинг қулай шарт-шароитларда ҳаёт кечиришини таъминлашга ҳаракат қилиб келяпмиз. Бу борада йиғин аҳолиси учун телеграм каналини ташкил қилганмиз. Шу билан чекланиб қолмай, уйма-уй юриб, фуқароларнинг муурожаатларини ўрганиб, ижобий ҳал қилишга интиляпмиз.

Худудимизда 4 166 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллага «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» яқин бўлгани учун кўпчилик кон шахталарида фаолият юритади. Бундан ташқари, тикув цехлари бор. Чеварчиликдан хабари бўлган хотин-қизлар ўша цехларда ишлайди, оиласи даромадига қўшимча даромад киритади. Бунда улар, аввало, мономарказда ўқитилиб, имтиёзли кредит эвазига тикув машиналари олиб берилди.

Бугунги кунда йиғинда жами 14 нафар ишсиз фуқаро мавжуд бўлиб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ишляпмиз. Уларга имтиёзли кредит ва субсидиялар олиб бериб, бандлигини таъминляпмиз. «Темир дафтар»да турган иккита оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларининг ҳолидан мун-

тазам хабар олиб турибмиз. Уларнинг соғлиги назоратга олиниб, ҳамкорлар томонидан дори-дармонлар олиб берил-япти. Умуман, маҳалладаги ҳар бир аҳоли эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Шуни айтишим керакки, ўтган йили «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига киритган тақлифимиз билан ғолиб чиқиб, худуддаги носоз, қишда лой, ёзда чанг бўлиб ётадиган кўчаларнинг 1 километр қисми асфальтланди. Худуддан ўтувчи катта йўл таъмирланди. Шунингдек, Пискент тумани прокурори ташаббуси билан йиғиндаги кўчаларнинг бир қисми шағаллаштирилди. Худудда яшилликни кўпайтириш ва худуд экофаунасини яхшилаш мақсадида «Яшил макон» умуммиллий дастури доирасида иқлимимизга мос 7 мингдан ортиқ мева-ли ва

манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Худуддаги электр симёғочлар эскирган. Аҳоли сони ўсаятгани боис эски, кучлиниши кам бўлган трансформаторлар етарли даражада электр токини етказиб беролмаяпти.

Аҳоли билан кенгашган ҳолда жорий йил «Ташаббусли бюджет»га худуддаги трансформаторларни ва электр симларини янгисига алмаштириш, ички йўлларимизнинг қолган қисмини асфальтлаш, худуддаги эски иккита мактабни таъмирлаш лойиҳасини киритганмиз. Аҳоли билан биргаликда ушбу лойиҳалар билан ғолиб чиқиб, муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қияпмиз. Бор умидимиз энди фақатгина аҳолининг бирлашиши ва «Ташаббусли бюджет»дан...

ҲОЛАТ

«Марказга элтувчи йўл қачон таъмирланади?»

Овул фаровонлиги, аҳоли розилиги йўлида туну кун ҳаракатдамиз. Ходимлар билан биргаликда фуқароларга қулай шароитлар яратиш билан бирга, муаммоларини ўрганиб, ҳар томонлама кўмаклашиб келяпмиз.



Айтуар ЖАЛҒАСБАЕВ,
Учкудук туманидаги
«Кукаяз» овули раиси.

Йиғин туман марказидан анча узоқда жойлашган. Овулдаги 14 та хонадонда жами 65 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли чорвачилик ортидан кун кўради ва шу орқали даромад қилиб, рўзгорини тебратаяди, уйлар қуради, тўйлар қилади. Йиғинда икки нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Уларнинг ҳолидан доимий равишда хабар олиб туришни йўлга қўйганмиз. Шунингдек, уларга ҳомийлар, «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан турли ёрдамлар кўрсатиб келинади. Қолаверса, туман ҳокимлиги уларнинг уйлари капитал таъмирлаб берди.

Бундан ташқари, худуд кичкина, аҳоли сони кам бўлгани учун болалар боғчаси йўқ эди. Шукрки, йиғинда 10 ўринли болалар боғчаси ташкил этилди. Бу билан овулдаги бир нечта хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, худудда эски мактаб фаолият юритади. «Обод маҳалла» дастури асосида ушбу мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. Фарзандларимизнинг замонавий ва энг сўнгги техникалар билан жиҳозланган муассасада таълим олишига имконият яратилди.

Аҳоли ичимлик сув йўқлигидан азият чекарди. 2020 йилда дастур дорасида 8 километр масофада ичимлик сув келтирилди. Одамларнинг сув ташиб юриши тарихда қолди. Шунингдек, электр симёғочлари ўрнига

темир-бетон устунлар ўрнатилди. Кўчалар тунги ёритиш чироқлари билан таъминланди. Умуман, маҳалланинг кўрқига кўрк кўшилиб, ҳар бир хонадонга ўзгача фойз кириб келди.

Аммо йиғинда шунча ишлар амалга оширилганига қарамай, овул билан туман марказини боғлаб турувчи катта магистраль йўлнинг аҳволи жуда оғир. Таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Туман марказига чиқаман деса-сангиз, йўл ёмонлигидан такси юрмайди. Қатнаган тақдирда ҳам «йўлларинг жуда ёмон, юриб бўлмайди» дея нархларни «отни калласи»дек баланд қилиб олишади. Йўл носозлиги боис жамоат транспортлари ҳам қатнамайди. Оқибатда одамлар туман марказига чиқишга қийналади. Пиёда бораё деса — узоқ.

Йўлнинг 30 километр қисми капитал таъмирга муҳтож. Бу масала бўйича ҳокимликка, йўл-қурилиш ташкилотига бир неча бор муурожаат қилганмиз. Иккала тараф ҳам йўлларимиз таъмирланишини айтган. Лекин натижа йўқ. Истардикки, овул билан туман марказини боғловчи йўл капитал таъмирлаб берилса, оғиримиз енгил бўларди. Одамларнинг анча йиллик муаммоси бартараф этиларди. Қолаверса, «оч бўри»дек йўл нархини осмон қилиб оладиган такси ҳайдовчилари ҳам ерга тушармиди...

БИЛАСИЗМИ?

Тадбиркорларга иссиқхона учун субсидия берилади

Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун субсидия ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оилалар аъзоси бўлган томорқа ер эгаларига берилади. Улар енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш ёки уруғликлар, кўчатлар ёхуд сўғориш воситалари харид қилиш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали муурожаат қилиши мумкин.

Аризада томорқа ер эгасининг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оила аъзоси эканлиги, томорқа ерга эгалик ҳуқуқи мавжудлиги ҳамда сўралаётган субсидиянинг тури кўрсатилади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун томорқа ер эгаси шахсан жавобгар ҳисобланади.

Ушбу субсидия туридан фойдаланиш

ҳуқуқи ҳар бир оилага фақат бир марта берилади.

Қўл меҳнати учун ускуналар сотиб олишга субсидия «Яйлов хўжалигини ривожлантириш» уюшмаси аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектига берилади. Тадбиркор камида битта иш ўрни яратиш шарт билан қўл меҳнати учун харид қилинадиган ускуналарга сарфланган харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий фаолият юритаётган манзилидаги

ҳоким ёрдамчисига ёки «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали муурожаат қилиши мумкин.

Аризада тадбиркорлик субъектининг номи, СТИР рақами, қўл меҳнати учун харид қилинадиган ускуналар тўғрисида маълумот ҳамда яратиладиган янги иш ўрни, «Яйлов хўжалигини ривожлантириш» уюшмасига аъзолик маълумотномаси кўрсатилади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун тадбиркорлик субъекти шахсан жавобгар ҳисобланади.



МУЛОҲАЗА



«Тозалик учун жамоатчи ходим керак»

Маҳаллалар ривожланиши учун ҳар бир раис ўзи яшаб турган ҳудуд фуқароларини яқиндан билиши, оилалардаги муҳит билан таниш бўлиши керак. «Муҳаббат» маҳалласи аҳоли сони жиҳатидан катта ҳудуд ҳисобланади. Шу боис режа билан иш олиб борилмаса, натижага эришиш қийин.

Мен бугунги ишни охиригача бажара олмасам, эртанги кунни шу юмушни ҳал қилишдан бошлайман. Чунки кеча улгурмай қолиб кетган бирор-бир фуқаронинг муаммоси бартараф этилмаса, унга яна бири қўшилиши аниқ. Шунинг учун ҳар кун эрталабдан ҳамкасбларим билан кечаги адо этилган ишлар билан бирга қолиб кетган муаммони муҳокама қилиб, ечимини топамиз, сўнг кун тартибидаги келгуси ишларни режалаштириб, ҳаракатни бошлаймиз.

Туман марказида жойлашган маҳалламизда ҳозирги кунда 3 784 нафар фуқаро яшайди. 21 та кўп қаватли уйлар бўлиб, жами 13 та кўча мавжуд. Маҳалланинг инфратузилмаси ўзгариб, тадбиркор маҳалладошларнинг шижоати билан маиший хизмат, озик-овқат, чеварчилик каби кўплаб соҳаларнинг ривожланиши аҳоли учун қулай шароитлар яратмоқда. Жорий йилда болалар майдончаси қурилиб, Халқлар дўстлиги кўчасининг 3 км. йўли асфальтланди.

Кўп қаватли уйларнинг куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида уч хил маҳсулотда иситишга мўлжалланган иссиқлик тармоғи янгиланмоқда. Райҳон кўчасининг 1 км. қисми шағалланди. Бу йил

ҳисобига икки марта хатлов ўтказилди. Унда 118 та ишсиз рўйхатга олинди. Ана шу ишсизларнинг бандлигини таъминлаш учун дастурлар ишлаб чиққанмиз. Кўрсатилган ёрдамлар туфайли 30 нафари ўзини ўзи банд қилди. 50 нафари эса «Глобал текстиль» корхонасига ишга жойланди. Асосий «драйвер»имиз — саноат.

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га маҳалладаги кам таъминланган, иш жойи ва маълум даромадга эга бўлмаган, боқувчисини йўқотган фуқаролар рўйхатга олинди. «Темир дафтар»га 2 та оила рўйхатга киритилди. «Аёллар дафтари»га 120 нафар хотин-қизлар, «Ёшлар дафтари»га 5 нафар ёш ҳисобга олинди. 3 нафар уй-жойга муҳтожларга ёрдам берилди. 1-гурӯх ногирони Манзура Рўзимова янги уйга кўчиб ўтган бўлса, Дилфуза Қўзиевага яшаш хонадони қуриб берилди. Умар Қаландаровга ҳам уй қурилиш ишлари якунига етпти.

Бир таклифим — маҳаллага жамоатчи ишчи ходим керак. Чунки кўчаларни тозалаш, ободонлаштириш жараёнида ё ўзимиз қатнашяпмиз ёки ёлланма ишчилар жалб қиляпмиз. Ҳатто хизмат хонамизни ҳам ўзимиз тозалаймиз.

Музаффар ПИРНИЁЗОВ,
Тупроққалъа туманидаги
«Муҳаббат» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Маъмуржон ОМОНОВ,
Фурқат туманидаги «Шойимбек» маҳалла раиси:

— Сир эмас, маҳаллаларда ажрашган оилалар ўртасида алимент тўловлари бўйича муаммолар учраб туради. Яқинда бир фуқаро мурожаат билан келди. Айтишича, аёли билан қолган фарзандига алимент тўлар экан. Бундан ташқари, кредит қарздорлиги ҳам мавжуд. Шу вазиятда иккисини ҳам тўлаш учун маош қандай тақсимланади? Эрга бирор имтиёз берилганми?

Кредитда қарздорлик, алиментда тўлов бўлса...

Аброрбек ЭЪЗОХОНОВ,
«Мадад» ННТ ҳуқуқшуноси:

— Қонун ҳужжатларига кўра, алимент ва кредит мажбуриятлари бир-биридан фарқ қилади. Қонунчиликда ота-оналар фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги, ота-онанинг вояга етмаган болаларига, шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шартлиги белгиланган.

Оила кодексининг 99-моддасига асосан, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярми миқдорида ундирилади.

Алимент тўлаш бўйича суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи чиқарилади. Суднинг қарорлари бўйича чиқарилган ижро ҳужжатларини ижро қилмаганлик учун жавобгарлик бор. Биринчи марта алимент тўлашдан 2 ойдан ортиқ вақт мобайнида бош ва тортганлик учун маъмурий жавобгарлик, шунингдек, маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин бир йил давомида яна 2 ойдан ортиқ вақт давомида алимент тўламаганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд.

Кредит — пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама тўлаб қайтариб бериш шarti билан маълум муддатга қарз бериш. Ўз навбатида, мажбуриятлар тарафлар ўртасида

уларнинг ихтиёрий розилигига асосан тузилган кредит шартномасидан келиб чиқади.

Фуқаролик кодексининг 354-моддасига асосан, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Бунда мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Шартнома тузиш бурчи ушбу Кодекسدa, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундан кўринадики, кредит шартномасини шахс ўз ихтиёри билан имзолайди ва мажбуриятларни ўз розилиги билан қабул қилади.

Оила кодексининг 105-моддасига асосан, алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногиронлиги бўлган шахс бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бунда алимент тўловчининг кредити борлиги фарзандига тўлаётган алимент миқдорини камайтиришга асос бўлиши назарда тутилмаган.

Шундан келиб чиқиб, кредит олган шахсга алимент тўлашда имтиёз берилмайди. Юқоридagi қонун ҳужжатларига асосан иш ҳақидан келиб чиқиб алимент тўлайди, кредитни иш ҳақига алоқаси йўқ.

БИЛАСИЗМИ?

Экин майдони аҳолига қандай тартибда берилади?

Қонунчиликка кўра, фермерлар ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ерлардан экин майдонлари аҳолига очик электрон танлов орқали ижарага берилиши белгиланган.

Бунда экин майдонлари 30 йил муддатга: — сув таъминоти яхши бўлган ерлардан — Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 0,15 гектардан 1 гектаргача, бошқа вилоятларда 0,30 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,30 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда;

— кам сувли ерлардан — вилоятларда 0,50 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,50 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда ижарага берилади.



Ногиронлиги бўлган шахсларга қандай имтиёзлар белгиланган?

Қонунчиликка кўра, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар ва уларга ғамхўрлик қилувчи бир нафар фуқаро учун давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан, шу жумладан давлат хизматлари марказлари, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият муассасаларида фуқароларнинг бевосита ҳозирлигида (жойида) кўрсатиладиган хизматлардан навбатсиз фойдаланиши, давлат идоралари раҳбарлари (мансабдор шахслари) қабулига навбатсиз кириш бўйича имтиёз берилиши белгиланган.

«Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ 2023 йил 1 майдан бошлаб тиббиёт муассасаларида давола-наётган ногиронлиги бўлган болага ғамхўрлик қилиш учун шу муассасада унинг отаси ёки онасига (уларнинг ўрнини босувчи шахсга) ёхуд оиланинг болани бевосита парваришлаётган бошқа аъзосига ногиронлиги бўлган боланинг ёнида бирга бўлиш учун шароит яратилган.

Жумладан стационар тиббиёт муассасаларида ногиронлиги бўлган болани парваришлаётган шахсга мазкур давр учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади;

болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга ғамхўрлик қилувчи шахслар (ота-онаси ва бошқалар) учун даволаш даврида давлат стационар тиббиёт муассасаларида бепул овқатланиш йўлга қўйилади.

ФИКР

АЖРАШИШ: кейинги тақдирга ким кафолат беради?



Газетанинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутамиз. Айниқса, «Нуқтаи назар», «Фикр», «Таклиф» рукнлари орқали бериб борилаётган мақолаларни доимий равишда ўқиб борамиз. Шу ўринда оғриқли нуқтамиз — ажралишлар бўйича ўз фикрларимни билдирмоқчиман.

Никоҳдан ажрашиш дунёнинг барча давлатларида қайд этилади. Лекин биздаги қонунчиликда турмушдан ажраган аёл ва болаларнинг кейинги тақдири кафолатланмаган.

Тўғри, вояга етмаган болалар учун алимент тўловлари қонунда белгиланган. Лекин ҳозирда қанчадан-қанча аёллар ана шу пулларни ундира олмай, судма-суд юрганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Ажрашиш жараёнининг ўзи ҳам баъзи давлатларникига нисбатан осон. Хорижий давлатларда ажралиш ҳақида қарор чиқаришдан олдин судлар болалар ва аёлнинг кейинги тақдири билан қизиқиб, уларни кафолатлашга ҳаракат қилади. Бизда эса аксинча, аввал никоҳ бекор қилиниб, кейин фарзандлар тақдири, мол-мулк тақсимоли кўриб чиқилади.

Ажралишдан кейинги энг катта ғавғоларга сабаб бўладиган масала, бу — уй-жойдир. Ушбу масала турли келишмовчиликлар, жанжалларга, кези келганда, ўта оғир ҳолатларга олиб келувчи жиноятларга ҳам сабаб бўлади. Хўш, оилаларни сақлаб қолиш, ажралишларнинг олдини олиш учун қандай таъсирчан чоралар кўриш лозим?

Бизнингча, энг аввало, никоҳ қайд этилишидан аввал ёш оила яшайдиган манзил аниқ бўлиши, ажралиш юз берган ҳолатда фарзандлар ва аёл тураржой билан таъминланиши шарт. Қолаверса, никоҳ қайд этилган, аёл юқорида кўрсатилган манзилга зудлик билан рўйхатга қўйилиши керак (ортиқча оворагарчиликсиз, келин фамилияси ўзгаргани сабабли янги паспорт олганда,

Башорат ШАМСИЕВА,
Жомбой туманидаги
«Катта қишлоқ»
маҳалласи раиси.

доимий рўйхатга қўйиладиган манзили ҳам ўзгартирилиши керак).


Шунингдек, болалар учун алиментни мажбурий ундириш тизими жорий қилиниши лозим. Ҳозиргидек кам ҳақ тўланадиган ишга номига жойлашиб, энг кам миқдорда алимент ҳисоблаш амалиётидан воз кечиш керак. Алимент миқдори боланинг ҳаёт кечириши, таълим олиши учун етарли бўлиши лозим. Ота-онаси тирик бўла туриб, болалар уйига жойлаштирилган фарзандларга ота-онаси махсус ҳисобга пул ўтказишини жорий қилиш шарт.

Юқорида келтирилган масалалар ечими бўйича мажбурий равишда никоҳ шартномаси тузилса, ҳар қандай эркак ёки аёл ажралиш ҳақидаги фикрни бир неча бор ўйлаб кўрарди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Бобур АМАТОВ,
Чилонзор туманидаги «Меҳржон» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда кўп қаватли уйлар қурилган. Кўпчилик улардан ипотека кредити асосида сотиб олган. Маҳалладошимиз ипотекага олган уйини сотмоқчи, уйни кредити тугамагунча бошқа одамни номига ўтказиб бўлмас экан. Нотариус орқали биронта ишончнома қилса бўладими?



Кредитга олган уйни сотса бўлади, фақат...

Фаррух ЖўРАЕВ,
Адлия вазирлиғи масъул ходими:

— Кредитга уй-жой олиниши қонунчилик бўйича турар-жой сотиб олиш учун ипотека кредити олиш ҳисобланади. Бугунги кун амалиётида кредит ҳисобига сотиб олинган турар-жой ҳам банк кредитининг таъминоти сифатида гаровга олинади. Яъни, ўртада тузилган гаров шартномасига асосан то кредит қарздорлиги қопланмагунча қадар шу уй-жой банкда гаровда туради.

«Ипотека тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига кўра, кўчмас мулк гарови шартномаси ипотека деб ҳам, яъни ипотека шартномаси деб ҳам юритилади. Бунда кредит олиб, шу уйни гаровга қўядиган шахс ипотекага қўювчи деб, кредит бериб, шу кредитнинг таъминоти сифатида уй-жойни гаровга олувчи банк ипотекага олувчи деб юритилади.

Мазкур қонуннинг 26-моддасига кўра, ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчи томонидан сотиш, ҳадя этиш, айирбошлаш орқали ёки ўзгача усулда фақат ипотекага олувчининг розилиги билан тасарруфдан чиқарилиши мумкин.

Яъни, сиз гаровга (ипотекага) қўйилган турар-жойни сотиш ёки бошқача тартибда тасарруф қилишини ўзининг шубҳасиз ипотекага олувчи — кредит ажратган

банкнинг расмий розилиги бўлиши шарт. Бундай розиликсиз мулкни сота олмайсиз, нотариус ҳам банкнинг розилиги бўлмай туриб, олди-сотдини тасдиқлаб бермайди.

Банклар эса, одатда кредит тўлиқ ёпилмагунча, бу уй-жойни сотишга асло рухсат беришмайди, уларда бу масала жуда қатъий назоратда ушлаб турилади. Ишончнома масаласи ҳам ҳеч қандай фойда бермайди.

Бошқа бир вариант бор. Қонунчилигимизда (Фуқаролик кодекси 322-моддасида) қарзни бошқа шахсга ўтказиш деган амалиёт бор. Агар кредит берган банк розилик берса, шу ипотека кредитини бошқа бир тўловга лаёқатли фуқарога (янги қарздорга, ёки сиз айтган бошқа одамга) ўтказиш мумкин.

Бунда, кредит ва кўчмас мулк гарови (ипотека) шартномаларига ўзгартириш киритилади ва ўша фуқаро сизнинг ўрнини эгаллашга янги қарздор, сизнинг ўрнини эгаллашга гаровга (ипотекага) қўювчи қилиб белгиланади. Ушбу ўзгартиришлар имзолаган, ўша фуқаро кредит шартномасида кўрсатилган давр мобайнида (10 ёки 15 йил давомида) сизнинг ўрнини эгаллашга кредит тўловларини тўлаб боради.

Ана шундай вазиятларда кредитга олинган уй-жойни бошқа бир фуқаронинг номига расмийлаштириш мумкин бўлади.

БИЛАСИЗМИ?

«Больничный» кимга қанча тўланади?

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлганда (халқ тилида «больничный») унга иш ҳақи ўрнига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси йўқолганда, нафақа, унинг дубликати асосида берилади.

Нафақа вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган ёки ходимга ногиронлик белгилангунча бўлган давр учун, ҳатто бу даврда ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам берилади. Ходимнинг меҳнатга қобилиятсизлиги вақти унинг йиллик таътил («отпуск») даврига тўғри келиб қолса, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлар учун нафақа тўланади.

Оила аъзолари касал бўлганда ҳам нафақа берилиши мумкинми? Оиланинг касал бўлган аъзосига қараш бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бемор бировнинг парваришига муҳтож бўлган, лекин 7 календарь кундан

ошмаган давр учун берилади. Ўн тўрт ёшга етмаган бемор болага қараш учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси болага парвариш керак бўлган, аммо 14 календарь кундан ошмаган давр учун берилади. 16 ёшгача бўлган ногирон болани тарбиялаётган ота-оналардан бирига (ҳомийга ёки васийга), ногирон боланинг санаторийда даволанган барча даври учун (санаторийга бориб-келиш вақтини ҳисобга олиб) унга яқка тартибда парвариш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса мавжуд бўлганда нафақа берилади.

3 ёшгача бўлган болани ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришда банд бўлган она касал бўлиб, болани парвариш-

лашга қурби етмай қолганда, парвариш билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки қариндошларига (меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан) нафақа берилади. Ходим карантин вақтида санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан ишдан четлатилганда нафақа берилади.

Нафақа қанча миқдорда берилади? Нафақа одатда ходимнинг иш стажидан келиб чиқиб ҳисобланади. Қуйидаги ходимларга нафақа иш стажидан қатъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида берилади:

- ишлаётган 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига;
- байналминал жангчиларга ва

уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

- қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

- Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

- Чернобил АЭСдаги авария натижасида эвакуация қилинган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

- меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга.

ТАКЛИФ



«Аҳолига кўмак бериб, кўмакка муҳтож қоляпмиз...»

Бугун маҳалламиз кундан-кунга кўркамлашиб, ўзгача қиёфа касб этиб борапти. Шу аснода аҳолининг яшаш тарзи ҳам аввалгидан анча яхшиланган. Йиғинда 531 та хонадонда 1 800 нафар аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг кўпчилиги ҳудуддаги корхона ва ташкилотларда ишлашади. Шу орқали рўзгор тебратиб, даромад қилишади.

Йиғинда йил бошида ишсизлар сони 44 нафар эди, ҳозирда уларни иш билан таъминлаш ва ўзини ўзи банд қилиши учун қатор саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келяпмиз. Жумладан, ҳудудда тикувчилик фабрикаси фаолият юритади. Яқинда ушбу фабрика ўз фаолиятини кенгайтириб, 100 та бўш иш ўринларини таклиф этмоқчи. Ушбу имкониятдан фойдаланиб, ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлашни мақсад қилиб турибмиз.

Маҳалла ободлиги, фаровонлиги йўлидаги ҳаракатларимиз бир зум бўлса-да тингани йўқ. Жумладан, 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

Президент қарори бўйича ички кўчаларимизнинг 2,2 километр қисми асфальтланди. Одамларнинг текис ва равон йўлларда ҳаракатланишига шароит яратилиб, оғири енгиллаштирилди. Шунингдек, йиғиндаги 6 та кўп қаватли уйнинг том қисмидан анчадан буён чакки ўтиб, одамлар ёғингарчилик кунларда роса қийналишарди. Юқоридаги қарор доирасида мазкур уйларнинг том қисми таъмирлаб берилди.

Ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас, албатта. «Бешлик» самарали фаолият юритиши, мурожаатлар билан тизимли ишлаши учун алоҳида бинога эҳтиёж бор. Яъни ҳозирда ўзимиз фаолият юритадиган маҳалланинг биноси мавжуд эмас. Бошқа ташкилотнинг балансидаги бинода

Дилшод ХОЛМУХАММедов,
Чиноз туманидаги
«Бунёдкор»
маҳалласи раиси.

иш фаолиятимизни олиб борапмиз. Маҳалла биносини қуриш ва ҳудудни ободонлаштириш бўйича «Ташаббусли бюджет»га лойиҳа киритган эдик. Негадир маҳалла биносини қуриш бўйича киритган таклифимиз қабул қилинмади. Овоз бериш жараёнига қадар қайтарилди, тасдиқдан ўтмади.

Балки бу ҳудудда кўп қаватли уйлар кўпчилиги ёки маҳалла биноси қуриш учун жой йўқлиги боис шундай бўлгандир, лекин «Ташаббусли бюджет»га умид бўлган маҳалла биносини қуриш таклифини яна киритганмиз.

Истардикки, ҳудуддан шинамгина, барча шароитларга эга бўлган маҳалла биносини қуриб берилса, ходимларнинг иш самарадорлиги ошарди, одамлар билан мулоқотимиз осонлашарди.

Чала қолган ишларни энди ким бажаради?

Бугун юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида том маънода маҳаллалар ҳам ўзгача қиёфа касб этиб, аҳолининг яшаш тарзи янада яхшиланмоқда. Кам таъминланган, кўмакка муҳтож, ишсиз аҳоли вакиллари кўмаклашиб, бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётир.

Жумабой ЭРМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ туманидаги «Бойқўрғон» маҳалласи раиси.

Маҳалламиздаги 518 та хонадонда жами 2 510 нафар аҳоли истиқомат қилиб, аҳолининг кўпчилиги деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ортидан кун кўради, рўзгори-ни бутлайди.

Йиғинда ўтган йили Президентнинг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори доирасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Одамларни анча йилдан буён тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёж қийнаб келарди. 5,6 километр узунликда қувур ётқизибли, тоза ичимлик сув тортиб келинди.

Аммо қарор доирасидаги ишларнинг барчаси ҳам якунига етказилгани йўқ. 4 километр 350 метр узунликдаги ички йўллар асфальт қилиниши керак эди. Йўл қурувчилар келиб, асфальт бўладиган кўчаларни ўлчаб кетишди. Лекин ҳамон режадаги йўллар асфальт қилингани йўқ.

Бундан ташқари, тоза ичимлик сув этиб бормаган 5 километр жойга қувур тортиш, худди шунча масофада ички йўлларни асфальт қилиш, ҳудуддаги эскирган 58 та

симёғочларни янгисига алмаштириш ҳамда электр симларини янгиланишини, аҳоли сони ортиб бораётгани туфайли мавжуд трансформаторлар электр токини хонадонларга бирдек етказиб беролмаётгани учун иккита янги трансформатор ўрнатиш, 10-15 тонналик сув қурилмасини қуриш таклифини бергандик. Агар мана шу ишлар амалга ошса, аҳолини бир неча йиллардан буён қийнаб келаётган муаммолар ўз ечимини топарди. Одамларнинг яхши ва қулай шарт-шароитларда яшашига имконият яратилган бўларди.

Фақат бугина эмас. Маҳалламизнинг ўз биноси мавжуд эмас. Неча йиллардан буён ходимлар билан ижарада фаолият юритамиз. Бу ўз навбатида иш самарадорлигига таъсир кўрсатмай қолмаяпти. Аҳолининг барча қатламларини бинода бир вақтда қабул қила олмаймиз. Йиғин идорасини бунёд этиш бўйича ҳам таклиф киритганмиз. Бу масала ўз ечимини топишдан умидимиз катта.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Қонуний меҳнат миграцияси қандай амалга оширилади?

Меҳнат мигрантлари чет элда ишлаш учун Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, хусусий бандлик агентликлари орқали ёки мустақил равишда кетиши мумкин. Бунда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, хусусий бандлик агентликлари орқали ишлашга кетишда иш ва турар жой топишда муаммоларга дуч келинмайди.

Чет элга ишлашга қайсидир ташкилот орқали ёки мустақил кетишдан қатъи назар шахс ҳуқуқлари чет элдаги консуллик муассасалари томонидан бир хилда ҳимоя қилиниши керак.

Қонунчиликка кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча хорижий давлатларга чиқишда фуқароларнинг чет элга чиқиш (қизил) паспортни расмийлаштириш талаб этилади. Бугунги кунда Арманистон, Россия, Украина, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Молдова каби давлатлар билан визасиз режим ўрнатилган.

2021 йил 1 январдан бошлаб меҳнат миграцияси фаолиятини амалга оширувчи шахслар ўзини ўзи

банд қилган ҳисоблашиб, белгиланган солиқларни тўлаш ҳамда пенсия миқдорини ҳисоблашда инobatга олинади. Ўзини ўзи банд қилган шахслар ўзига пенсия ҳисобланиши ва иш стажига эга бўлиши учун БХМнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда (бугунги кунда 165 минг сўм) ижтимоий солиқ тўлайди.

Солиқ кодексининг 369-моддасига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахслар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан озод этилади.

2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб меҳнат мигрантларига темир йўл билетларининг нархларига 20 фоиз миқдорда чегирмалар берилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, вақтинчалик

меҳнат фаолиятини олиб бориш учун республика ҳудудидан ташқарига жўнаб кетаётган фуқароларга 1000 АҚШ доллари миқдоридида кредитлар бериш жорий қилинган.

Меҳнат миграцияси билан шуғулланиш учун хорижга чиқиш кетаётган шахсларга микроқарзлар берилади. Микроқарзлар хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 миллион сўмгача миқдорда бир йил муддатга берилади.

Боқувчиси хорижга меҳнат миграциясига чиқиш кетган ва «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатда бўлган оилаларга БХМнинг 2 баравари миқдоридида бир марталик моддий ёрдам кўрсати-

лади. Шунингдек, «дафтарлар»дан бирига киритилган оила аъзоларига БХМнинг 5 баравари миқдоридида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади.

Меҳнат миграциясига чиқиш кетган фуқароларнинг Ўзбекистонда улар билан бирга яшовчи пенсия ёшига етган ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган оила аъзоларига касаба уюшмалари тизимидаги санаторий ва профилактик даволаниш муассасаларига бир марталик бепул йўлланма берилади.

Бундан ташқари, меҳнат миграциясига чиқиш кетганларнинг болаларига мавсумий фаолият юритадиган оромгоҳларга бепул йўлланмалар берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАХМОНОВ,
Мансурбек ЖАББОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АХМЕДОВ

Mahalla
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий
газета
МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоли келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
7 930 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-818
Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

